

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA DAVTRASIDA

№ 32-34
(430-432)
27-avgust
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

Байрамингиз кутлуг
29 Бўлсин, азуз
кертдошлар!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ

БИРГА ҚУРАМИЗ

Ҳар ким вазифасига
масъулият билан ёндашса...
Давлат мулкига, халқига
хиёнат қилмаса...
Кимдир бунёд қилаётган
иморатни кимдир бузмаса...
Амал курсисини суиистеъмол
қилмаса...

ҲАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛАЁТГАН ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОН – АНА ШУ!

МУСТАҚИЛЛИККА 29 ЙИЛ



УШБУ СОНДА:



16 МАҲКУМА АЁЛ
муддатидан илгари
ОЗОД ЭТИЛДИ

3-сон



**МАКТАБ ТАЪЛИМИ
ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?**
Бизда таълим
стратегияси борми?

4-сон

**ЛЮСИНИНГ КУН
ТАРТИБИ**
Уни қачонгача
ўрганамиз?

5-сон

**АДАБИЁТ
ДАРСЛИКЛАРИ**
Такрордан муддао
нима?

5-сон

**АЁЛНИНГ
МАРТАБАСИ**
эркак паноҳида
ҳаловат

17-сон

Ғолибларга
**БАЙРАМЛАР
ЯРАШАДИ**

9-сон

Қайтариб
бўлмайдиган
ХАСТАЛИК

19-сон

ALOQABANK
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

1-SENTABR

Mustaqillik kuni muborak
bo'lsin!



ALOQABANK

ko'p tarmoqli kartalari



4CHORAK
ASR

onlayn omonati



MUDDATI

24 oy



YILLIK FOIZI

18 %



BOSHLANG'ICH BADAL
MIQDORI

50 000 so'm



FOIZLARNI
TO'LASH

har oy

FOIZ HISOBLANISHI VA TO'LANISHI

Foizlar har oyda mobil ilova orqali ochilgan talab qilib olinguncha hisobraqamga o'tkaziladi.

OMONATGA MABLAG'LAR KIRIM QILISH

- "Aloqamobile" ilovasi orqali AT "Aloqabank" tomonidan emissiya qilingan milliy valyutadagi HJMO, UzCard, Kobeydj plastik kartalaridan kirim qilinadi
- Omonatga qo'shimcha mablag'lar kiritish mumkin

OMONATDAN QISMAN CHIQIM

Mumkin (eng kam miqdor summasini saqlagan holda)

Xizmatlar litsenziyadangan.



O'zbekiston Respublikasi, 100047,
Toshkent sh., Amir Temur shohko'chasi, 4 uy.



www.aloqabank.uz
info@aloqabank.uz



71 230 77 77

BANKIMIZGA TASHRIF
BUYURING VA BIZ HAQIMIZDA
KO'PROQ MA'LUMOT OLING

ҚАЛБИМДАГИ ХАЗИНАМ – ВАТАН!

Мен сизга баён қилмоқчи бўлган фикрлар кўп йиллардан бери кўнглимнинг энг яширин бурчакларида сақланган, баъзи ҳис-туйғулар каби бировга айта олинмайдиган, бегона назарлардан пана қилинадиган, энг самимий кечинмаларимдир.



Бу сўзлар баъзиларга эриш туюлар, лекин улар меники ва мен уларни сиз билан ўртоқлашиб ҳамфикрлар топишимга ишонаман.

Бу сатрлар ёзилишига ижтимоий тармоқларда турли кўринишда ЎЗБЕКИСТОН ҳақида ўзини ўзбекистонлик санаётган баъзиларнинг чиқишлари сабаб бўлди.

Улар Ватан ҳақида худди бир камчилиги бор буюм ёки муддатини ўтаб бўлган ашё ҳақида тушунтиргандек фикрлашади. Мен бундай муносабатни тасаввуримга сиғдира олмайман... Ахир Ватан она-ку!.. Ким онани танила олади ёки онасидаги бирор нуқсон учун ундан воз кечади, омма олдида уни изза қилади?..

Балким шундай кимсалар топилар, лекин ўзини ўта билдимдон, ўта зиёли деб билган инсонлар бу ҳақда «узок, хар томонлама мушоҳада» юриштилари мени ҳам ҳайратга, ҳам даҳшатга солади.

Мен Ўзбекистонни СЕВАМАН! Бунинг сабаблари кўп. Наинки бу макон дунё иқлимлари ичида энг гўзал ва мукамалларидан бўлгани учун, балки шу тупроқдан яралганим, шу заминда униб-ўсганим, камолга етганим учун ҳам жуда қадрли. Бу тупроқда менинг аллома отамнинг, меҳнаткаш онамнинг, меҳрибон опамнинг хоки бор. Бу маконда мени

тарбиялаган, азиз қилган халқ яшайди.

Пишиқчилик даврида бозорга атайлаб саҳарда бораман. Сархил меваларнинг ранг-баранглигидан кўзим, энг нодир француз агирларидан кам бўлмайдиган хидларидан димоғим ҳузур қилади. Ҳайит намозига кетган эркакларни саранжом ховлиларда, файзли дастурхон билан кутиб олаётган фариштадек аёлларни кўриб, дилим ёришади.

Тўғри, ҳаёт фаровонлигида биз ҳали Америка ёки Европа давлатларига етганимиз йўқ. Техника ва технологиялар ривожда бир қанча давлатлар биздан анча олдинда.



Бу – ҳақиқат, лекин вазиятни ғийбат гаплар, лой чаплашга уриниш билан ўнглаб бўлармикан? Онамиз компьютерда ишлашни билмаса ёки француз тилида сўзлашмаса, биз ундан уяламизми?..

Ўша энг ривожланган давлатларда қўллари кетмон дастадан қалок бўлган ўзбек дехқонининг самимияти бормикан?.. Бошқоронги ёки эмизикли кўшни келинга дастурхонидаги тансиқ таомдан илинган оналаримизнинг куюнчақлиги-чи?..

Бувим раҳматли биронта-



Сен – қудрат манбаи,
саодат маскани,
жонажон Ўзбекистоним!

миз йиқилсак ё бошқа бир сабаб билан жонимиз оғирса, «ўзим тасаддиқ бўлай», дейишлари ҳали қулоғимда жаранглайди. Она тилимиздаги «ўзим айланай, ўргилай, қоқиндик бўлай, гиргиттон бўлай», деган иборалар таржимаси ҳеч бир ажнабий тилда топилмаса керак.

Ўзбеклардаги ор-номус, шайн, ҳамият каби тушунчалар ҳам инсонийликнинг юқори чўққиси эмасми?..

Хонадонда чақалоқ туғилса, етти кўшнига «суянчилаган», мотамларда тобуткашликни ҳеч бир миннатсиз вазифам, деб билган шу содда, самимий, саҳий халқ эмасми?..

Бу тупроқ не-не аллома, шоирлар, фозилу фузало,

жаҳонгирларга бешиқ бўлган. Ўша давр сиёсати ёки жамиятидан азоб кўрганларида ҳам Ватан ҳақида қайноқ муҳаббат билан сўзлаганлар.

Япашдан мақсад фақат ҳеч қачон тўлмайдиган қоринни дунё таомлари билан тўлдириш, уйини турли ҳашамлар билан безаш ва шулар орқали ўз мавқени кўтараман, деб ўйлаш, ҳаёт фақат хою-ҳавасдан иборат, деб билган кимсалар менинг Ватанимни севмай қўя қолсинлар.

Биз катта йўлдамиз. Ортимизда фахрли ўтмиш, олдимизда келажак бор. Маррамиз – аниқ, қароримиз – қатий. Ҳар бир ўзини шу ватан фарзанди, деб билган инсонлар болаларимиз фаровон, шод-хуррам, осойишта яшати, набираларимиз ўз она тилларида буюк алломаларимиздан қолган меросни ўрганиши, келажак авлодларимиз қабрларимиз устида эмин-эркин Қуръон тиловат қилиб, бизни ёд этишлари учун умримиз борича, ақл-заковатимиз, илмимиз, қалб кўримиз, билак кучимизни сарфлаймиз.

Шарафлар, шонларга тўлиқ Ватаним.

Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан!..

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси



БАҒРИКЕНГЛИК

16 МАҲКУМА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ОЗОД ЭТИЛДИ

Аёл борки – олам мунаввар, деган каломни такрорлашни дунёни чароғон қилишга қодир. Аммо ҳар тўқисда бир иллат, деганларидек, ҳаётда адашиб турли йўللарга кириб қолаётган хотин-қизлар ҳам учраб туради. Бироқ хато қилса ҳам, жиноят содир этса ҳам оналарни кечириб мумкин ва керак. Чунки унинг бир оғиз илиқ сўзига, иссиқ меҳрига муҳтож қалблар бор.

Шу нуқтаи назарда жамиятимизда аёлларга нисбатан доим меҳр-шафқат асосида бағрикенглик қилиб келинмоқда. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган аёллар тегишли ташкилотлар қафиллиги асосида камалмасдан, жазодан озод этилаётгани бунинг яққол далилидир.

Мана шундай сиёсат натижасида адашган, аммо хатосини тушуниб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган маҳкума аёлларга ҳам енгиллик берилмоқда. Улар жазодан муддатидан илгари озод қилиниб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жазони ижро этиш муассасаларида оғир, ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 18 маҳкума аёлнинг назорат тартибда берган шикоятлари кўриб чиқилди.

Олий суд раисининг ўринбосари Икром Муслимов раислигида бўлиб ўтган очик суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибда берган аризаси қонун доирасида батафсил ўрганилди. Маҳкума аёллар жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзини



ижобий жиҳатларини намоян этиб, муассаса раҳбариятининг ташақкурномасини олгани алоҳида эътиборга олинди.

– Билмасдан гиёҳвандлик савдосига аралашиб қолганим учун 2012 йилда 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим, – дейди кўзида ёш билан 62 ёшли самарқандлик Лола опа. – Уч нафар фарзандим бор, уларнинг яхши кунларида қатнаша оламим. Қилган ишимдан минг бор

пушаймонман. Қайтиб бу йўлга асло қирмайман. Қилмишим менга сабоқ бўлди. Мени кечирганлари учун Президентимизга, халқимизга миннатдорлигимни билдираман. Аёлнинг ўрни оилада экан, бошқа аёлларга ҳам бу каби жиноятларга аралашмасликларини тилардим.

Суд ажрими билан содир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлгани, ёши ҳамда қафолат хати инobatга олиниб, 16 аёл жазодан муддатидан олдинроқ озод қилиниб, оиласи, яқинлари бағрига қайтарилди. Икки нафарининг жазо муддати қисқартирилди.

Ортимизда Мустақиллик байрами нафаси кезаётган шу кунларда бу эзгу тadbир аёлларга бўлган эътиборнинг, халқимизга хос юксак инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Норгул АБДУРАИМОВА

ТАЪЛИМ – БИТТА СЎРОВНОМА БИЛАН ҲАЛ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛА ЭМАС

Ёхуд Халқ таълими вазирлигининг аниқ стратегияси борми?

«
Ўқув йили бошланишига санокли кунлар қолгани сари пандемия шароитида мактаб дарсларини қандай шаклда ўтказиш масаласи тобора қизгин муҳокама қилинмоқда. Кунни кеча халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ота-оналарга мурожаат билан чиқди. Кейинроқ эса АОКАда ўтказилган брифингда вазир бу ҳақда оммавий ахборот воситалари учун маълумот берди.

Вазирнинг айтишича, ўқув йилини бошлаш учун учта сценарий кўриб чиқилган. Биринчиси – мактабларда ўқиш анъанавий тарзда олиб борилди, иккинчиси – дарслар онлайн, яъни теледарслар тарзида ўтади, учинчиси – аралаш, яъни хоҳлаган фарзандини мактабга юборди, хоҳламаганлар уйда онлайн шаклда ўқийди.

«Президент одамлар рози бўлсин, деган талабни кўйган. Шунинг учун айни пайтда мактабларда ота-оналар учун сўровнома ўтказишни бошладик», деди Ш.Шерматов. Вазирнинг ўзи яна қайд этишича, мактабларнинг очилиш-очилмаслиги борасида ижтимоий тармоқларда аллақачон «жикка-мушт» тортишувлар бошланган.

Албатта, жуда оғир танлов қаршида қолганимиз рост. Бир томонда болаларимиз билимсиз бўлиб қолиши хавфи турган бўлса, иккинчи томонда фарзандларимизнинг саломатлиги, коронавирус билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблашиши масаласи турибди.

Хўш, бу ўринда масалага қандай ёндашув керак?

Бизнингча, бу масалага аввало мамлакатнинг, халқ таълими вазирлигининг таълим стратегияси асосида ечим топиш керак. Агар шундай стратегия бўлса...

Ўтказилган брифингда вазир жаноблари ота-оналар ўзлари ҳал қилишлари керак, дея шундай улкан ва мураккаб масалани осонгина ота-оналар зиммасига ташлаб қўйишдан англаш мумкинки, бундай стратегиянинг ўзи йўқ шекилли.

Қайта-қайта мисол қилинавериби сийкаси чиқиб кетган бўлса-да, яна ўша японларни айтмасдан иложимиз йўқ. Иккинчи жаҳон урушидан катта талафот ва вайронагарчилик билан чиққан япон халқи ҳаммасини таълимдан, тўғрироғи, таълим стратегиясини ишлаб чиқишдан бошлаган эди. Халқи борбурдини йиғиб берганди ўшанда. Бу йил мактабларни таъмирлаб олиш, келуси йили «буржуа» печкаларини йўқотиш кампаниясини эмас, аниқ ва камида юз-икки юз йиллик таълим стратегиясини ишлаб чиқиб, бор дикқат-эътиборни ана шуни рўёбга чиқаришга қаратган эди. Японларнинг ўша стратегияси ҳамон амалда ва бунинг маҳсулини аллақачон дунё кўриб турибди.

Яна юқоридagi масалага қайтайлик. Халқ таълими вазирлиги таклиф этаётган учала сценарий ҳам жуда хом гап экани ўша брифингдаёқ маълум бўлиб қолди. Чунки мактаблар фаолият бошлаган тақдирда ҳам синфхоналарда санитария-гигиена талабларига риоя этиш



учун шартнинг хаминқадар экани ҳеч кимга сир эмас. Мактаблар ўқувчилар кўл ювиши учун ичимлик сув тармоқларига тўлиқ уланмаган. Хар битта синфхонада раковина ўрнатилганми-йўқми, деган саволни беришнинг ўзи қулғили.

Дарслар масофадан ташкил этиладиган бўлса-чи? Бу жараёндаги тушунмовчиликлару интернетга уланмишдаги машаққатларни айтмай қўя қолайлик. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам масофавий дарсларда бир-бирини тушунмай қанчалик қийналишганини кўрдик. Хуллас, дарсларни масофавий бўлиши таътилда фарзандларингиз айрим қўшимча дарсларни ўрганиши билан деярли бир хил. Билим олиш ҳам, дарсни тушуниш масъулияти ҳам шундан ортик эмас, афсуски.

Агар мамлакатнинг таълим бўйича жуда японларникидек бўлмаса ҳам, бундайроқ бир стратегияси бўлганида эди, бугун Халқ таълими вазирлиги иккита-учта мажмал сценарийлар ҳақида эмас, қандай бўлсада мақсад сари кетишнинг аниқ йўли ҳақида айтаётган бўлар эди. Президент одамлар рози бўлиши керак, деб халқ таълими вазири зиммасига катта масъулият юклагани жуда тўғри позиция. Чунки таълимга жавобгар тузилма сифатида мамлакат раҳбарига хар қандай вазиятда соҳадаги ишларни ташкил этишнинг стратегик дастурини кўрсата олиши керак.

Одамларнинг рози бўлиши эса таълим стратегиясининг нечоғли амалга ошаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Асло ота-оналар ўртасида ўтказилаётган сўровномалар натижасига эмас.

Биринчидан, сўровномалар ҳеч қачон аниқ вазиятни кўрсатиб беришига ишонч йўқ. Қолаверса, сўровномада белгиланган йўли эргага хато чиқса, бунинг учун ҳеч қачон ўша белгиланган айбдор бўлмайди. Иккинчидан, сўровномалар ўтказиб, шунинг натижаси асосида мактабларни очиб масаласи қўйилаётганининг ўзи, юқорида айтганимиз, мамлакатнинг юз йил эмас, ўн йил ҳақто бир йилга мўлжал олинган дастури йўқлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, бу масаланинг бевосита фуқароларимиз билан боғлиқ яна бир оғрикли томони борки, уни ҳам алоҳида мушоҳада қилиш зарур. Карантин бўлиб, ҳаммаёқ така-тақ ёпилган

пайтларда ижтимоий тармоқларда ҳам, таниш билишлару, қариндош уруғлар ўртасидаги суҳбатларда ҳам бош мавзу тўйларга қачон руҳсат берилишию, бозорлар қачон очилиши ҳақида бўлди. Карантин чекловлари қучайган пайтда чойхонаю кафеларнинг ёпилгани биз учун энг катта ташвишга айланди. Карантин қоидаларини бузсан ҳам фақат нафсимиз учун, хою ҳавас учун буздик.

Март ойидаёқ мактаблар ёпилган эди. Афсуски, мана шуни мактаблар берган таътилдек қабул қилганлар бўлди. Тўғри, онлайн дарсларда болаларимиз озми-кўпми билим олишга ҳаракат қилди. Лекин ўша дарсларни ҳам асосан шахарда яшайдиган бир ҳовучгина ота-она масъулиятни англаган ҳолда фарзандлари ўрганишини назорат қилди холос.

«Онлайн дарслар ўтилатган вақтда икки-уч бор кишлоққа бордим. Ўзимнинг барча қариндошу танишларим мисолида юз фоиз аниқлик билан айта оламаник, ўшаларнинг фарзандлари март ойидан кейин бирорта фан бўйича бирор мавзуну охиригача ўрганган эмас! Бола телевизор қаршида дарс масъулиятини заррача ҳис этмайди, ота-она бутунлай бефарқ, ўқитувчи онлайн назорат қилиши учун интернет ҳам, қолаверса, ўша интернет мегабайтларини сотиб олиш учун ҳеч қимда ортикча пул ҳам йўқ», – дейди тахририятга мурожаат қилган ўқитувчилардан бири.

Тўғриси, тўйларга ва автомобилда юриш учун руҳсат берилиши биз учун байрамга айланиб кетди. Ахир, энг катта ва оғир масала олдимизда турибди: болаларимизни қандай ўқитамиз? Улар билимсиз бўлиб қолишмасмикан ишқилб?!

Карантин қоидаларини бузганлар ҳақида тинмай хабар берилди. Ўшаларнинг орасида фарзандини етаклаб репититорга ёки қўшимча дарсга оборгани учун карантинни бузган одам ҳақида эшитдингизми? Ёхуд карантин бошланиши олдиндан китоб дўконларида ажиотаж бўлганини кўрдингизми? Албатта йўқ!

Ҳозир ҳам «урхо-ур» тарзда тўй ўтқириш, 30 кишилиқ никоби остида қандай қилиб 300 одамни меҳмон қилиш ҳақида ўйлаётганлар кўп. Мактаб эса... бир гап бўлар...

Мана шу бизнинг энг катта фожиамиз.



МАКТАБЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚўЙИЛАДИ?

«
Агар мактаблар яқин кунларда ўқувчиларни қабул қиладиган бўлса, қандай талаблар қўйилади? Дарс билан боғлиқ қандай янгиликлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда?

Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шу каби саволларга жавоб берилди.

Агар битта синфда бир вақтнинг ўзида 3 нафар ўқувчида вирус аниқланса, фақат ўша синф карантинга олинади. Мазкур синф онлайн ўқишга ўтказилади.

Дарс вақтини 45 дақиқадан 30 дақиқага қисқартириш таклифи берилган. Бироқ бу борада ҳали аниқ бир қарорга келинган йўқ. Бу амалийёт айрим фанларга нисбатан жорий этилиши ҳам мумкин.

Хар бир синфхонани шамолатиш имконияти яратилади. Бино олди ва синфхоналарда антисептик дезинфекция воситалари ўрнатилади.

Ўқитувчилар, мактаб ходимлари маҳсуе тайёргарликдан ўтказилади.

Ўқувчилар мактабда тиббий никобда бўлиши шарт.

Бир синф ўқувчилари бошқаси билан мулоқот қилмаслиги, аралашиб кетмаслигига эътибор қаратилади. Мактабда оммавий талбирлар ўтказилмайди.

Ошхоналар ишламайди. Бино худудига беғоналар кириши тақиқланади.

АДАБИЁТ ДАРСЛИГИДАГИ ТАКРОРЛАР

Бир хил маълумотни ҳар йили қайта-қайта ўқитишдан мақсад не?

«Баъзи дарслик китобларимни варақлаб ўйлаб қоламан. Наҳотки хато берилган бўлса?! Ўқитувчимдан сўрайман, «Ҳа, бу ерда хато кетган...», дейди устозим. Биз эса яна қайта-қайта сўраймиз: «Устоз, китобда хато берилмайди-ку?..»

Бугунги адабиёт дарсликларимиз кай аҳволда? Улар бизнинг талабимизга жавоб бера оладими? Ўқувчи сифатида ўзимнинг айрим фикрларимни билдирмоқчи эдим.

Бошланғич синфни битириб, адабиёт дарслигини биринчи бор варақлагандан 11-синф якунига қадар Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганамиз. Нега ҳар йили бу мавзулар дарсликка киритилади? Тўғри, бу икки шахс миллатимиз фахри, гуруримиз, лекин бу инсонларнинг қачон туғилиб, қачон вафот этгани, беш-ўнта машхур ғазалини қайта-қай-

та ўқитиш қанчалик мантқиққа тўғри келади?

Бешинчи синфда ўқиётган пайтим С.Аҳмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев ҳаммуаллифлигидаги «Адабиёт» дарслик-мажмуасини варақлаб туриб, ўн саҳифалик «Адабиёт – сўз санъати» сарлавхали кириш сўзини ўқиб ҳеч нарса тушунмаган эдим. Жуда илмий ва мураккаб тилда ёзилган. Менимча, адабиёт нима эканини англаш сари илк бор қадам қўйган ўқувчи учун бундай илмий шаклдаги кириш сўзи ўқувчини шу фандан бездиришга хизмат қилади, ҳоло.



5-синф «Адабиёт» дарслигига кири-

тилган ёзувчи ёки шoir ижоди 6-синфда давом эттириладиган бўлса, аввалки синфда тақдим этилган маълумотлардан кескин фарқ қилиши ёки янги маълумотлар билан тўлдирилиши лозим. Афсуски, 6-синф дарслигидаги айрим ижодкорларнинг таржимаи ҳоли шунчаки кўчириб қўя қолинган. Масалан: 5-синф «Адабиёт» дарслигида Ўткир Ҳошимовнинг таржимаи ҳолидан: «Ўткир Ҳошимов 1941 йилда Тошкентнинг Дўмбиров бод маҳалласида туғилган. Ёшлигидан илмга, адабиётга, санъатга қизиққан бўлажак ёзувчи 5-синфда ўқиб юрган вақтидаёқ, демак, сиз тенги ёшларидан шерь машқ кила бошлаган эди. Хозирда адибнинг «Урушнинг сўнги қурбони», «Муҳаббат» каби кўшлаг хикоялари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тупда кечган умрлар» номли романлари, «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверди», «Икки қарра икки – беш», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» номли киссалари мамлакатимизда ва чет элларда севиб ўқилмоқда (5-синф «Адабиёт» дарслиги, 51-бет). Энди 6-синф «Адабиёт» дарслигида келтирилган Ўткир Ҳошимовнинг таржимаи ҳолига қараймиз: Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкентнинг Дўмбиров бод маҳалласида туғилган. Ўқувчилик чоғларидаёқ ижод билан шуғулланган. Адибнинг «Урушнинг сўнги қурбони», «Муҳаббат» каби кўшлаг хикоялари, «Одамлар нима деркин?», «Шамоллар эсаверди», «Икки қарра икки – беш», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» киссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тупда кечган умрлар» номли романлари мамлакатимизда ва чет элларда севиб ўқилмоқда...» (6-синф «Адабиёт» дарслиги, 147-бет). Кўриниб турибди, фақат «5 август» санаси кўшилган ҳоло. Нима, сеvimли ёзувчимиз таржимаи ҳоли шу қискагина маълумотдан иборатми?

Худди шу ҳолатни Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид материаллар мисолида ҳам кўриш мумкин: «Эркин Воҳидов университетни тугатган, узок йиллар нашриётларда ишлади, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини чоп қилишда фаол иштирок этди. 1964 йилда яратилган «Нидо» дostonидан сўнг бирин-кетин «Орзу чашмаси», «Палаткада ёзилган дoston», «Қуёш маскани», «Рухлар исёни» каби ажойиб дostonлар ёзди...» (6-синф, 133-135 бетлар). Бир саҳифадан ортиқроқ ҳажмдаги ушбу маълумотлар ҳам 5-синф дарслигининг 142-саҳифасида айнан келтирилган. Бу эътиборсизликми ёки дарслик муаллифларининг дағсалли-

ги?

«Бемор» хикоясидан сўнг назарий маълумот сифатида берилган «Бадий асар тили ҳақида тушунча» мавзуси, тўғриси, биз учун жуда мураккаблик қилади. Мана шу назарий маълумотни муаллифлар оддий, содда тилда ёзишганида яхши бўлар эди. Агар назарий маълумотларни тушунтириб беришга олишганда, майли, колган хатоларга кўз юмishi ҳам мумкин эди. Аммо муаллифлар бир ярим саҳифалик назарий маълумотда «Абдулла Қаҳҳор ўзининг мўъжазгина «Бемор» хикояси орқали биз билан ўтказган бадий мулоқоти ўзининг таъсир кучини юз йиллар давомида сақлаб қолиши бадий тил нақадар қудратли ҳодиса эканининг яққол исботидир», – деб ёзади. Мен ҳозир 10-синф ўқувчиси бўлсам-да, ҳали-ҳануз шу мавзуга тушунмайман. Адибларнинг туғилган ва вафот этган йилларидаги хатоларни айтмасам ҳам бўлар, бу ҳақда матбуотда ҳам кўп ёзилади.

Адабиёт дарслирида бир ойда бир марта мустақил ўқилган асарлар юзасидан савол-топшириқлар бўлади. Айнан ўша кунни синфдошларим билан бирга бир ой кутамиз. Ўша кун келганда, халқ таълими вазирлиги тақдим этган режага кўра назорат иши олинад.

Ҳурматли вазирлик мутасаддилари, сизларга ўқувчининг фикри қизиқ эмасми? Биз бир асарни ўқиб тугатиб, бир ойда бир ўқиган китобимиз ҳақида шахсий фикрларимизни билдирамиз. Энди марҳамат қилиб айтсангиз, сизларга китобнинг орасига телефонни қўйиб, «гулжон»дан назорат ишини кўчирган яхшимми ёки очик майдонда (доскада) синфдошларига ўзи ўқиб келган асарни, оғзаки тушунтириб, жонли мулоқот қилгани?

Баъзида адабиёт дарси ўзи қандай мақсадда ўтилиши бироз мавжумроқми-кан, деб ўйлаб қоламан. Чунки вазият тақозоси билан мактабда бугун қайси дарсни қискартириб туриш, қайси дарсликнинг ўрнига бошқа бирор тадбир ўтқиши керак бўлса фақат «Адабиёт» дарслидан воз кечиб турилади. Нега? Адабиётимизга, миллатимизга бўлган ҳурмат наҳотки шундай бўлса?!

Эртага юрт келажоги ишониб топшириладиган ёшларни тарбияловчи восита – дарсликни хатолар билан чоп этиш, ўқувчиларни қалғитиш ўзимиз ўтирган дарахтнинг шохини кесиб билан баробар аслида.

Азизбек АБДУМАЛИКОВ,

Тошкент шаҳар

Чилонзор туманида жойлашган

202-умумтаълим мактабининг

10-синф ўқувчиси

ҚАЧОНГАЧА ЛЮСИННИНГ КУН ТАРТИБИНИ ЎРГАНАМИЗ

ёки бизга шу ҳам бўлаверадими?

(«Инглиз тили» дарслиги муаллифларига очик хат)

«Ассалому алайкум, «Инглиз тили» дарслигимиз муаллифлари! Сизлар яратган дарслик тендошларим ва ҳатто ўқитувчиларимни ўйга солмоқда. Шу ваздан сизларга мактуб ёзишга қарор қилдим.

Мен ва синфдошларим ўтган ўқув йили давомида 2014 йилда нашр этилган Лутфулло Жўраев ва бошқа бир қанча педагоглар ҳаммуаллифлигидаги дарсликни ўқидик ва тендошларимнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлди.

Дарсликда мавзуларнинг анчайин эски, зерикарли ва такрор берилиши ушбу фанини ўрганишга бўлган қизиқишимизни сўндирай деди. Жумладан, «Personal qualities and jobs», «Applying for a job», «Political parties», «Local government», «A day in the life of...» каби мавзулар биз учун жуда зерикарли бўлди. Шунинг учунга «I am online» мавзуси қўйилса ва яқин дўстига онлайн хат ёзиш топшириғи берилса яхши бўларди.

Ҳозир бошланғич синф дарсликларидо ҳам келажакда қайси касбини эгаллаш мавзусидаги саволлар кўп берилди. Деярли барча бошланғич синф ўқувчиларидан «Келажакда ким бўлмоқчисиз?», деб сўрасангиз, «аскар», «шифокор» ёки яна бошқа бирор касб эгаси бўлишини инглиз тилида айтиб бера олади. Энди 9-синф дарслигида ҳам касблар ҳақида мавзу берилиши бироз ғалати эмасми?! Тўғри, битирувчи синфмиз, 9-синфлар касбга йўналтирилиши керак. Лекин дарсликда «бўёқчи», «машина устаси», «сотувчи», «қўшиқчи» ҳақидаги маълумотлар бироз эриш туюлади. Ахир, булар ҳунар эмасми?! Синфимизда инглиз тилини бор-йўғи икки киши тушунади. Ўтган йиллари бу дарсга қизиқувчилар кўп эдик, лекин тендошларимнинг ақсарияти ҳадеб матнини ўзбекчага ўғиртидан чарчади. Бир хиллик қизиқишини сўндирди. Нима учун ҳар бир мавзуга бир бетдан матн қўясизлар? Яна қандайдир чет эл

яшайдиган Люси ёки Жекнинг кун тартиби ҳақида. Қирқ беш дақиқалик дарс сизнинг дарсликка киритган «техник»нинг ярмини таржима қилишга ҳам етмайди.

Дарсликда грамматик машқлар жуда оз. Таклифим, асар иложи бўлса, грамматикага кўпроқ эътибор қаратсангиз. Қизиқари машқлар, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайдиган машқлар дарсликка кўпроқ киритилса. Ёки лугат машқлар, машхур ва фойдали интернет ресурслари, веб оламида кўп қўлланиладиган сўз ва иборалар таржималари ҳамда шунга ўхшаш сўзларга тўғри таъриф танлашга доир машқлар берилса айни мудоа бўларди.

Нима учун дарсликдаги топшириқларни кўпроқ интернетга боғлашимиз керак, биласизми? Чунки бугунги замон ўқувчисини, яъни мен ва менинг тендошларимни мана шу кўпроқ қизиқтиради.

Ўқувчи сифатида қўлимдаги дарслик қизиқарли бўлишини ва шу дарсликдан олаён билимларим келажакда фойда берилиши истайман. 9-синф «Инглиз тили» дарслигидаги 40 фоиз маълумот ўқувчига жиндек бўлса ҳам фойдаси тегса, дўпнингизни осмонга отаверинг, муаллифлар.

Учраган 9-синф ўқувчисини тўхтатиб, «Verb» нима? ёки «Subject» нима? деб сўранг, қандай жавоб берар экан. Мен инглиз тилида «от» ва «февль» эканини 7 ой репетиторга қатнаб билиб олдим. Оддий қилиб айтганим бўлсам, бу дарслик мазмунан анча эскирган. Замонавий таълим талабларига жавоб беролмайди. Дарсликнинг ўрнига ўқувчиларга «Murphy», «Hedway»дан дарс берилса нур устига нур бўлар эди.

Олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонидо талаблар йилдан-йилга юқори бўлиб бормоқда. Лекин 9-синф «Инглиз тили» дарслиги каби қўлланмалар сифати настигичча қолаётгани биз ўқувчиларни ташвишлантиради.

«**Х**аётий тажрибамда давлатнинг икки хил тизимида кўп ўзгаришларга, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам гувоҳ бўлдим. Вазиятдан чиқиш мақсадида шошилиш тадбирлар кўрилгани, турли экспериментлар ўтказилгани ҳам бор гап.

Фақат халқ билан маслаҳатлашиб, етук мутахассислар, ҳатто халқаро экспертлар ҳулосасини олиб яратилган Ҳаракатлар стратегиясида мен чинакам халқпарвар концепция ва реал амалиётни кўрдим. Бу стратегиянинг босқичма-босқич, узлуксиз ва муштарак амалга ошиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларнинг изчил боришини таъминлайпти. Дарвоқе, буни билиш қийин эмас.

Истаган соҳа ходими кўлига қалам олиб, кейинги уч-тўрт йил ичида ўз фаолиятига ҳалакит берган ва олиб ташланган (*бекор қилинган*) бюрократик тўсиқларни санаб чиқишнинг ўзи кифоя. Иккинчи рўйхатга барча касб эгалари, хусусан, тадбиркорларга берилган имтиёз, имконият, янгилликларни киритинг. Энди одилона баҳо беринг: сал олдинроқ бундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилганмисиз?

Пандемия жуда катта пижоатимизга барибир сабий таъсир кўрсатди. Чунки глобал муаммолар ҳамма инсониятни шундай синовга дучор этади. Бирок Ўзбекистон раҳбарияти ана шу вазиятга ҳам ўзи бошлаган кенг камровли ислохотлар йўлида собиб турди ва турапти ҳам. Хўш, бу собибликни биз нимада кўришимиз мумкин?

Биринчидан, халқаро талаб — пандемия шароитида карантин шартларини тўқис-туғал бажариш. Вирусдан ҳимояланиш ва касалликни даволашда халқаро ёрдам баробарида ички имкониятлардан фойдаланиш.

Иккинчидан, хориждаги ҳамюртларимизни олиб келиш.

Учинчидан, хорижда таҳсил олаётган ёшларни автоматик тарзда маҳаллий олий таълим муассасалари (ОТМ)га кўчириш, ОТМлар ўқув лабораторияларини замонавий ускуналар билан таъминлаш. Онлайн дарслар учун шароит яратиш. Пандемия даврида олимлар, муаллимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

Тўртинчидан, электростанциялар қувватини ошириш, сайёҳлик зоналарини барпо этиш. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кластерлар тизимини шакллантириш.

Бешинчидан, экспортчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш. Тўқимачиликда брендлар яратишга киришиш. Пилла ҳосилни тўла қайта ишлашни йўлга қўлиш.

Олтинчидан, замонавий уй-жойлар қуриш. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» лойиҳаларини рўёбга чиқариш. Архив, статистика тизимини қайта ташкил этиш. Санъат ва маданиятдаги янги тартиб-қоидалар. Божхона ва стандартлаштиришдаги янгилликлар. Оила ва маҳалла тизимини тақомиллаштириш. Барча соҳада

электрон маълумот базасини яратишга киришиш.

Еттинчидан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар. Ёшлар парламентларини шакллантириш. Хусусий мулкни кафолатлаш.

Халқ тили билан айтганда, оғзимиздан чиққан истагимиз ўрганилиб, таҳлил қилиниб, муҳайё этиляпти. Ҳатто хорижда ишловчиларни мамлакатда бепул касбга тайёрлаш, уларга четда қулай шароит

яратиш чоралари ҳам белгилаб берилди.

Келинг, одилона таҳлил қилайлик, жорий йилнинг қарийб 240 кунини ўтди. Халқига қуюн-чаклик билан меҳрибонлик қилаётган Президент деярли ҳар кун раҳбарлардан аҳолининг сўраб турганини кўрапмиз. Жойларга бориб, аҳоли аҳолидан хабар олишга, янги лойиҳалар ижроси билан танишишга, деярли ҳар кун бугун ҳаётимиз учун зарур бирон соҳани таҳлил қилишга имкон топяпти. Ҳар гал нутқини бир хил яқунлайди: «Биз халқимизни пандемиядан эсон-омон олиб чиқишимиз, иш билан, яхши ҳаёт билан таъминлашимиз керак. Давлат бу йўлда ҳеч нарсани аямайди».

Энди, ўзингизнинг фаолиятингизга сал четдан бир назар солинг. Эрталабдан кечгача нима ишни режалаштиряпсизу, нималарга эришяпсиз? Қарийб 240 кунлик умрингизни нималарга сарфладингиз? Кимга ёрдамнингиз тегили, ким сиздан нима ибрат олди?

Мен бу саволни бежиз ўртага ташламадим. Унга берилган жавоб ҳар биримизнинг ҳаётга нуктаи назаримизни белгилайди. Унга жавоб орқали мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятини англаймиз.

Тан оломқ лозим, дунёни, атрофдаги воқеаларни англаш доимо осон кечган эмас, кечмайди ҳам. Негаки, унда ҳар ким ўз манфаатини ахтарди. Бундай пайтда турфа қарашларнинг, талабларнинг бўлиши табиий. Айтайлик, икки мансабдор бир-бири билан ўчаклашди, кимдир лавозимидан ажралади, кимдир йиллар давомида оқиб келган даромадидан маҳрум бўлади. Қайсидир нопуд раҳбар ипга



БЕҲБУДИЙ БИЗНИ КЕЧИРАРМИКАН?

бечора ёки яхши мутахассисни эмас, қариндоши ёки совға бергани олади. Кимдир оилавий келишмовчиликдан азият чекади. Кимнингдир эса қисқа муддатда замона қаҳрамонига айлангиси келиб қолади.

Хуллас, ҳамма даврда ҳам, ҳамма тизимда ҳам, ҳамма давлатда ҳам фаровонликка эришишда камчилик ва қарама-қарши манфаатлар бирга юради. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Худди ана шу нуктада миллатнинг қаймоғи — зиёлилар зиммасига катта масъулият тушади. Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатаптики, миллат фидойилари аҳолини тўғри йўлга бошлашда, одамларнинг ўз тақдири учун масъулиятини оширишда катта қучга эга. Зеро, миллат тарихида жадид болболаримиз бундай жасоратни кўрсата олишган.

Ана шу жараёнга дунёвий нуктаи назардан қараб кўрайлик. Жадидлар деҳқон ёки чорикор эмас, ўзига тўқ инсонлар фарзандлари, илмли, фикрли кишилар бўлишган. Улар жамиятга теран кўз билан қарашган. Бу қарашларни нималарда кўришимиз мумкин?

Улар пайтида ҳам ноҳақликлар бўлган: кимнингдир ери тортиб олинган, кимдир ноҳақ қамаб юборилган. Лекин улар бунақа жабр кўрганнинг қўлидан ушлаб, идорама-идора югурмаган. Муаммонинг сабабини кидирган. Чунки жамиятдаги камчиликни айтиб «уввос» солиш қаҳрамонлик эмас, жаҳолат эканини англаб етишган.

Улар миллатини маърифатли қилиш ҳисобигагина яхши ҳаёт қуриш мумкин, деб ўйлаган. Натигада миллат болалари учун замонавий мактаб қуришган, алифбодан тортиб

барча дарсликларга ҳам ўзлари ёзган, чоп этиб, мактабларга беришган. Бунинг учун тил ўрганишган, қўлланмаларни таржима қилишган. Иқтидорли болаларни хорижда ўқишга юборишган.

Чор ҳукумати улар очган газетани неча марта ёпиб қўйса, яна шунча марта бошқа ном билан чиқараверган: қийналдик, деб «дод-вой» қилишмаган. Дунёдаги аҳолини таҳлил қилиб, одамларга сиёсат моҳиятини тушунтиришган. Уларни, ховлисини мактабга бўшашиб беришган. Бизда эса профессорнинг ойлик маошини 15 миллион сўмга ошириб қўйишса-да, яна пора оляимиз, таъна қилиямиз. Муаллимларга пандемия шароитида ойлик маошини сақлаб туриб, тагин моддий ёрдам кўрсатилса-да, уларнинг айримлари бир-бирининг устидан (*этимол, бекорчиликдандир*) мағзава тўкиб, аризабозлик қилиб юришибди. Уларни Шакурый, Авлоний авлодлари дейишга тилим бормайди.

Газета тахтамларини варақлайман. Жадидлар мақолаларини ўқийман. (*Надоматлар бўлсинким, аксарият зиёлиларда бунга вақт, ҳафсала, иштиёқ топилмаётти*). Бирор жойида нолиш йўқ. Миллатни маърифатга, бирлашишга чорлашади. Мисол учун, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қозоқ биродарларга мактубини олинг. Биз эса сал мансаб ёки манфаат тегмаса, миллатчилик қилишдан уялмаяпмиз. Энг ёмони, жамиятимизда ўзини оқлашга уриниш деган иллат тарқалди. Эътирозни қабул қилиш ўрнига, муаммо четда қолиб, фикр билдирган одамни ёмон кўришни ўргандик. Раҳбарни таъкид қилиб, «обру» орттиришни ўргандик.

Бугун жамиятда мулоқот, мунозара, баҳс учун ҳамма шароит яратилган. Ижтимоий тармоқлардан ташқари, давлат телерадиоканаллари, газеталари ҳам барчага бирдек очиб қўйилди. Аммо ҳамон бу минбардан ҳаётда омади чопмаган ёхуд ҳақиқатдан ҳам адолатсизлик туфайли жабр кўрганлар овозини эшитпмиз. Ҳақиқий зиёлилар айни шу шароитда аҳолига давлат сиёсатининг моҳиятини тушунтириб, одамларни иллатларга қарши ҳамкорликка чорлаш, халқдаги бунёдкорлик хислатини кучайтиришга хизмат қилишни керак эмасми? Ваҳоланки, онгу шууримиздаги, турмуш тарзимиздаги қусурларни гап билан, ваъда билан бир кечада бартараф эта олмаслигимизни биламиз-ку! Эътироз билдираётганлар ёнига кириб, бугунги сиёсат моҳиятини тушунтириб, муаммосини енгиллаштишга ёрдам берсақ бўлмайми?!

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидур» деган эди. Самарқандлик яна бир адабиётчи Сайдулла Мирзаев «Олим ва зиёли — миллат маънавиятининг юзи» деб ёзган. Зиёли фақат муаллим ва олимгина эмас, бугун шифокору инженер, қурувчи, ҳатто талаба ҳам зиёли.

Катта қучмиз. Шундай пайтда ҳар биримиз ўз оиламизда, маҳалла ва жамоамизда одамларга Янги Ўзбекистонда қилинаётган ишлар, Янги Ўзбекистон кўзлаётган марралар ҳақида гапирсақ, Ватан ҳақида тасаввуримиз янада ёрқин, маънавиятимиз эса бой бўлади, деб ўйлайман. Нима дейсиз, азиз зиёлилар?

Фармон ТОШЕВ,
журналист

ҲАР ОНИ ҲТМИШНИНГ ЮЗ ЙИЛИГА ТЕНГ...



Сен – қудрат манбаи,
саодат маскани,
жонажон Ўзбекистоним!

« Табиатда одатдаги фасллар алмашинуви. Юртимизга яна сокин куз кириб келмоқда. Табиатдаги бу ҳолатни ҳавонинг бироз салқинлашгани, дала ва боғлардаги пишиқчилик, бозорлардаги тўкинчилик, хуллас, атрофимиздаги жуда-жуда кўп ўзгаришлар сездириб, эслатиб турибди.

Ҳар йилгидек, шу олтин фасл кириб келиши билан Ватанимизнинг энг азиз, энг улғу байрами Мустақиллик кунини кенг нишонлаймиз. Бу йил мустақилликнинг 29 йиллиги «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!» шиори билан байрам қилинаётир.

29 йилдан буён айнан шундай. Мустақиллик байрамини ҳар сафар янги шиор остида ўтказамиз.

Бу байрамни ҳам кутишга, уни ҳар йили янги шиорлар билан нишонлашга одатдаги фасл алмашинишдек кўниқиб қолганмиз. Бу жараён фақат саналар кетма-кетлигидек табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларига мувофиқ давом этаётир, давом этаверади.

Аслида биз кўриб, сезиб, ҳис қилаётган ўзгаришлар оддий фасллар, саналар алмашуви билан ўзидангина иборат жараён эмас. Бу доимийлик асосида заминдаги ҳаёт шаклини ҳам, моҳиятини ҳам, тирикликнинг тақдирини ҳам бутунлай ўзгартираётган жараён кечаётир. Куртақдан гул, гулдан мева-ю уруғ пайдо бўлмоқда. Минглаб уруғдан яна минглаб зироатлар унаётир...

Айнан табиатга уйғун жараёнлар жамиятда, сиз-у бизнинг ҳаётимизда ҳам кечаётир. Мустақиллик йилларини белгилловчи саналар оддийгина рақамларнинг ўзи эмас. Бироз чуқурак мулоҳаза қилсак, «Бир йил ўтди» деган биргина калиманинг ўзида

«Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг», бу бадий ифоданинг амалдаги манзарасини мен ҳар куни ишга боришда ўзимнинг она шахрим Жиззахдаги ўзгаришларда кўраман. Темир йўл вокзали билан машҳур «Кўк бозор» оралиғидаги Улғубек маҳалласида беш қаватли уйлардан иборат янги турар жой массиви шу йилнинг ўзида пайдо бўлди. Аини пайтда 750 та хонадондан иборат 14 та кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилиш арафасида.

Турар жойлар ўзгариши билан ҳудуднинг инфратизими, кўчалар, маданий-маншый хизмат тармоқлари, ижтимоий иншоотлари ҳам, жумладан, мактаб ҳам янгиланаётир. Ўтган аср бошида – 1910 йилда, кўшимча бинолари 1977-1978 йилларида қурилган ҳудуддаги тарихий темирйўлчилар мактаби янги биноси кад ростламоқда.

Бундай ўзгаришлар фақат шу ерда эмас, шаҳарнинг барча қисмида юз берди. Уларнинг ҳаммасини, ҳатто, кейинги уч йилнинг ўзида амалга оширилган ўзгаришларнинг барчасини санаб чиқиш учун анча вақт керак. Улар орасида фақат кейинги йиллар эмас, бутун ҳудуд тарихида биринчи марта амалга оширилган ишлар ҳам бор.

Масалан, Жиззах шаҳри тарихида биринчи марта 16 қаватли уйлар қурилатир. Аини пайтда шаҳарнинг Олмазор маҳалласи ҳудудида экспери-



янги ўзгаришлар ҳар доим бўлган. Аммо кейинги уч-тўрт йилгидек тараққиётнинг тезлигини, даврнинг шитобини кўрган эмасман. Буни Жиззах мисолида, соддарок қилиб айтсам, бугун мен бошқа шаҳарда яшаётгандекман. Кейинги икки-уч йилда у бошқа шаҳарга айланди. Бу албатта, давлатимиз сиёсатининг янгилангани, Президентимиз томонидан қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида.

Бу ўзгаришлар фақат Жиззах шаҳридаги қурилиш билангина боғлиқ эмас, албатта. Президентимиз 2019 йилнинг 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш, шаҳар ва туманларда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича белгилаб берган вазифалар асосида барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз берди.

Республика ҳукуматининг «Илғор ҳудуд» синов лойиҳаси асосида аҳоли даромадларини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, қулай инвестиция муҳити яратиш ва янги sanoat тармоқларини ривожлантириш бўйича қўлаб истикболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг барча туманлари марказлари қайта қурилатир. Эндиликда катта шаҳарлардаги каби замонавий иншоотларни фақат «Обод қишлоқ» дастури доирасида қайтадан қурилган Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида эмас, истисносиз, барча туман марказлари қиёфасида кўриш мумкин.

Бу янгиланиш фақат қурилиш, ободонлаштириш соҳасида эмас. Асосий катта ўзгаришлар иқтисодий, саноатни ривожлантиришда юз бераётир.

Ўтган йили «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси Шароф Рашидов, Зомин, Пахтакор ва Арнасой туманларининг sanoat учун қулай, зарур инфраструктурага эга бўлган ерлари ҳисобидан 182 гектарга кенгайтирилиши тadbиркорликни ривожлантиришда янги имкониятлар яратди.

Аини пайтда вилоятда 10 та кичик sanoat зонаси ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида 170,4 миллиард сўмликдан ортиқ қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 35 та кичик корхона фаолият юритаётир.

Масалан, ташкил топгандан буён бирорта sanoat корхонасига эга бўлмаган Зафаробод тумани қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи ҳудудга айланмоқда. Бундан икки йил аввал Зафарободдан қурилиш ашёлари экспорт қилинишига биров ишонмасди. Бугун бу ҳақиқат.

Яқинда туманда йирик цемент заводи «Huaxin Cement Jizzakh» масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилди. Корхона йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Умумий лойиҳа қиймати 150 миллион доллар бўлган корхона тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига бунёд этилган. Пандемия шароитида қийинчиликларга қарамай ишга туширилган корхонада 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар вилоятнинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларда янада аққолроқ кўришиб турибди. Ўтган йилнинг ўзида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 4 та туманда 4 та агрокластер ва 7 та кооперация ташкил этилди. Буларга 695 та фермер, деҳқон хўжалиги, 8 минг 120 гектар очик майдонлар, 4 минг 516 гектар боғ, 1 минг 30 гектар тоқзор бирикитиб берилди.

Вилоятда паст рентабелли, иқтисодий самара бермайдиган пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, экспортбоп экан турларини жойлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг ўзида паст рентабелли 6 минг 300 гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, ушбу майдонларнинг 150 гектарига сабзавот, 100 гектарига картошка, 467 гектарига полиз, бошқа экспортбоп ва озуқабоп эканлар жойлаштирилди. 667 гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ҳамда янги тоқзорлар барпо этилди.

– Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар деҳқоннинг ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, – дейди туман фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси, Ўзбекистон қахрамони Анорбой Эшматов. – Фақат режа асосида ғалла ва пахта етиштириш эмас, даромад келтирадиган тармоқ билан шугулланиш имконияти берилиши фермерларнинг ерга муносабатини ўзгартирмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам, одамларнинг дунёқараши ҳам янгиланаётир. Эртанги кунга ишонч мустаҳкамланмоқда.

Ҳа, энг катта ўзгариш – одамларнинг қалбида бугун амалга оширилаётган ишларга, эртанги кунга ишончининг ортаётгани. Шу нукта назардан Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!» шиори билан байрам қилиниши фақат моддий ўзгаришларнинг эмас, кўнгилларда юз бераётган руҳий янгиланишнинг ҳам ифодасидир.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА



оламжаҳон ўзгаришлар кўз олдидан ўтади.

Шу нукта назардан ҳар йили янгиланган, ўтган йилгидек тўққиз йил давомида шунча марта янгиланган шиорлар ҳам оддий чакриқларнинг алмашуви эмас. «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!» шиорида ҳам жамиятимиздаги ўзгаришларга хос, одамлар руҳиятига нонанд маъно мужассам.

Ҳалқимизнинг аллома шоири Ғафур Ғулום ёзгандек:

*Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.*

мент тариқасида барча қулайликларга эга бўлган шундай уйлар қурилиши бошланди.

Шу пайтгача шаҳардаги энг баланд бино ўн қаватли эди. Энди вилоят маркази фақат энгиз эмас, бўйига кенгаймоқда. Олмазордаги ўн олти қаватли турар жой бинолари бунёд этилиши бу катта ишнинг бошланиши ҳолос.

– Тарихий ўзгаришлар бизнинг кўз ўнгимизда рўй бераётир, – дейди шаҳарнинг Навоий маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдулла ота Қаршибоев. – Мен саксон олти йиллик умрим давомида юртимизда амалга оширилган ўзгаришларга фақат гувоҳ эмас, иштирокчи ҳам бўлдим. Ҳаётда

ГОЛИБЛАРГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

« Бир дўстим коронавирусдан вафот этди. Йигирма кун аввал кўргандим. Соппасоғ юрганди. У билан болагимиз бирга ўтган, мактабда олдинма-кетин ўқигандик. Собиқ футболчи эди. Юрагим ачишиб кетди.

Дўстимнинг вафотига олдий бепарволик, касалликни менсимаслик сабаб бўлди. Ҳозир қайси ошнамизни кўрсам, у ҳақда гурунглашиб қоляпмиз.

Бу воқеа сабаб ҳаётнинг шифаксизлиги, умрнинг ўткинчилиги ҳақида яна бир бор ўйлаб қолдим. Дўстим мол-мулкни бор, ўзига тўқ одам эди. Яхши ният билан анча-мунча бунёдкорлик ишларини бошлаб юборган экан. Албатта, фарзандлари отасининг ишини давом эттиришди, унинг номи унутилмайди, у оғайнилари, биродарлари, авлодларининг хотирасида яшайверади. Лекин... бу таскин берувчи туйғулар кўнглини овутолмайди. Қалб йиғлайверади...

Унинг ўрнида сиз ҳам, мен ҳам бўлишим мумкин эди. Демак, бу дунё омонат, бунини ҳис қилиб яшашимиз керак. Бу туйғу кишини улғайтиради. Вақтнинг қадрига етишга, мўлжаллаган режаларингизни бажаришга қулгунлиги, эзгу ишлар қилишга ундайди.

Мамлакатимизда карантин чоралари юмшатилиб, транспортлар ҳаракатига, умумий овқатланиш шохобчалари, бозорлар, масжидлар, дам олиш масканлари фаолиятига руҳсат

бериляпти. Кўчаларимиз одамлар оқимига тўлди, кайноқ ҳаёт бошланди.

Юргимизнинг энг улуғ ва ардоқли айёми – Мустақиллик байрами яқинлашмоқда. Халқимиз мустабид тузум азобларидан қутулиб, эркин нафас олаётганига, мустақил ҳаёт қурганига 29 йил бўлди. 1991 йилда туғилган йигит-қизлар бугун баркамол ёшда. Бу ёшдаги инсон тоғни талқон қилишга, ҳар бир ишни уддалашга қодир. Бугун Ўзбекистон ана шундай ёшда.

Давлатимизнинг куч-қудрати бу йилги синовларда яна бир бор намоён бўлди. Давлат бор экан, фуқароларимиз, халқимиз ҳар қандай синовларни, мушкулликларни енгаверади. Дунёдаги қатта давлатларга нисбатан ҳам, қўшниларимизга қараганда ҳам, кам талафот кўрган ҳолда, жипселик ва ахиллик намоён этиб, бу синовлардан чиқмоқдамиз.

Бугун интернет, ижтимоий тармоқларсиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмай қолди. Аҳоли ижтимоий тармоқлар орқали жамиятимизда кечаётган қизғин жараёнларга фаол муносабат билдирмоқда. Бу ҳуқуқий демократик жамият сари интилаётган мамлакатимиз учун айни муддаодир. Бунини, маълум бир маънода, жамоатчилик назоратининг бир кўриниши сифатида ҳам қабул қилса бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан назоратида ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган

муаммоларга ечим топилаётир. Халқнинг дарду ташвишлари, кўтарилаётган масалалар ижобий ҳал этилмоқда. Бу одамларни хурсанд қилмоқда. Халққа хизмат қилишни олий қадриятга айланттириётган Ўзбекистон раҳбарияти учун ижтимоий тармоқлар аҳоли кайфияти билан таъинишнинг бир воситаси бўлиб қолди, дейиш мумкин.

Бироқ гоҳида ижтимоий тармоқлар орқали айтилаётган баъзи фиксу фужур, миш-миш гаплар, ёмон ниятда тарқатилаётган ёлгон хабарлар, ахборотлар, қилинаётган «даво»лар кишини ранжитиши мумкин. Кўнглига ғулу солади, ташвишлантиради.

Келинг, улуғ байрамимиз арафасида яна бир бор босиб ўтган йўлимизга назар солиб, мустақиллик бизга нима берди, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Инсон ер юзида пайдо бўлгандан буён эркинликка интилади. Инсонни кўяверинг, ҳатто ҳайвонот олами ҳам озод яшашни хоҳлайди. Мана шу эркинлик – мустақилликни биз 1991 йилда қўлга киритдик. Ота-боболаримиз оруз қилган, қатагонга учраган, жон фидо қилган кунларга бизнинг авлод эди.

Мустақилликнинг шарофати билан биз она тилимизнинг давлат тили сифатидаги мақоми мустаҳкамланишига, имон-этиқод эркинлигига эришдик. Миллий қадриятларимиз, байрамларимиз тикланди.



Сен – қудрат манбаи,
саодат маскани,
жонажон Ўзбекистоним!

Пахта яккахокимлигига бархам берилди, озиқ-овқат, энергия мустақиллиги қўлга киритилди. Миллий атрибутларимиз – байроқ, герб, мадҳия, миллий пулимизга эга бўлдик. Ўз армиямиз, ҳуқуқ-тартибот органларимиз тузилди. Уларнинг қайси бирини санай...

Кейинги уч-тўрт йилда амалга оширилаётган ислохотлар камровидан ақлинигиз шошади. Ким ўйлаган эди Тошкентда прописка режимига ўрнатилган тақиқлар бархам топади деб. Ёки конвертация масаласини олинг. Олий ўқув юртурларига қабулдаги оммавий порохўрликларга бархам беришнинг ўзи бир инқилоб.

Автомашина олишдаги «шапка»лар, банклардан кредит олишдаги бюрократик тўсиқлар. Худудлардаги ёқилги танқислиги, электр таъминотидаги узилтишлар... Булар бугун эсдан чиқди. Одамзоднинг табиати ўзи шунақа: қорин тўйса, кечаги ғам-ташвиш унутилади.

Бу гапларни нима учун айтганимиз?!

Биз ўтмишни унутмаслигимиз, бошимиздан ўтказган кийинчиликларни эслаб туршимиз керак. Бу кўнглига шукур туйғусини солади. Шукур, қаноат қилган одам эса, муқад-

дас китобларимизда ёзилишича, албатта, мақсад-муддаосига эришади.

Бугун жонажон юртимизнинг шаҳар ва кишлоқларини кезиб, одамларимизнинг ташвиш-ўйлари билан бир қизиқинг. Уларнинг гўзал орзуларидан кўнглингиз яйрайди. Бирини янги уй қурган, бирини кредитга машина олган. Яна бири ўғил уйлантириш, қиз чиқариш ташвишида. Тезроқ қарантин тугасайди, тўйларини бошлаб юборардик, дейди кўзлари ёниб. Ташвишли, синовли кунлардан ҳам кучга тўлиб, чиникиб чиқадиган бундай элни яна қаердан топасиз, биродар?! Бундай халқни яхши кўрмай, унинг учун хизмат қилмай бўладими?!

– Ҳар кун битта шешъ ёзяман ё таржима қиляпман, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқаларё вилояти бўлими раҳбари, шоир Ўроз Ҳайдар жўшиб. – Кайфияти яхши одамга коронавирус ҳам йўламаскан.

Ҳа, халқимиз ҳар қандай бало-қазони ҳаммаша кўтаринки кайфият ва шижоатли меҳнат билан ениб келган. Бу сафар ҳам шундай бўлади. Биз, албатта, олдимиздаги барча синовлардан муваффақият билан ўтамиз! Голибларга эса байрамлар ярашади.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

МАЪРИФАТНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

улкан ишларга қўл уришмоқда

«...Улар иморат қурмаган. Ўзига бойлик изламаган. Бирдан-бир хазинаси – минг машаққат билан топган пулларига кутубхона қурган. Хусусан, «Турон» кутубхонасини барпо этиб, ўзларига тирик ёдгорлик ўрнатиб кетган». Президентимизнинг бу сўзлари Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримизнинг ҳаёт йўли, умр мазмуни, орзу-интилиши, мақсад-муддаоларининг содда, раvon, лўнда ифодасидир.

«...Улар иморат қурмаган. Ўзига бойлик изламаган. Бирдан-бир хазинаси – минг машаққат билан топган пулларига кутубхона қурган. Хусусан, «Турон» кутубхонасини барпо этиб, ўзларига тирик ёдгорлик ўрнатиб кетган». Президентимизнинг бу сўзлари Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримизнинг ҳаёт йўли, умр мазмуни, орзу-интилиши, мақсад-муддаоларининг содда, раvon, лўнда ифодасидир.

Август ойида ёмғир шаррос қуйганини сира эслолмайман. Тарихнинг ҳам булутли кунлари ҳақида ўйлар эканман, давлатимиз раҳбарининг маърифатпарвар жадид боболаримиз ҳақидаги фикрлари ҳаёлда чарх уриб айланаверади. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Бехбудий каби боболаримизнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаоси не эди?..

уқун курашган боболаримизнинг пок номларини тиклаш, тарихни холис ўрганиш, унинг миллат назаридан четда қолган, яна ҳам аниқроғи одамлар онгидан атай ўчириб ташланган саҳифаларини қайта тиклаш имконини бергани билан ҳам кадрлидир.



номи билан аталувчи ижод мактаблари фаолият бошлади.

Олдий мисол. Ўтган йилнинг декабрь ойида пойтахтимизда эъзоли адиб Абдулла Қодирий хайкали, унинг номидаги ижод мактаби, музей, уй-музейи барпо этилди. Юбилей санаси гоёта кўтаринки руҳда ўтказилди. Жадидлар тарихи, фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган «Турон» кутубхонаси янги масканда қад ростлади.

Адиб умри кечган ҳовли-хонадонда ўша давр муҳитини мужассам этган уй-музей очилди.

Мамлакатимизда миллат ўзлигини англаши йўлида улкан ишларга қўл урилмоқда. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунларини билмаган китобхонни топиш мушкул юртимизда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримизнинг асарлари Ватанга содиқлик, юртпарварлик, фидойилик, ҳалоллик сабоғидир.

Эътиборга молик жиҳати, бу борадаги барча ишлар кўр-кўрона йўсинда, кимлар учундир, кўз-кўз учун эмас, балки миллий ўзликини теранроқ англаш, миллатимиз қаддини янада баландроқ тушмоқлиги учун амалга оширилаётгани муҳимдир.

Бу борадаги барча савобли саъй-ҳаракатлар ҳақида ўйларканмиз, Ватан, халқ, келажак учун маъсулиятни чин юракдан ҳис этиш, адабиёт, маърифат, илмга бўлган улкан эътибор бежиз эмаслигини дилдан англаймиз. Янгиланаётган Ўзбекистонимиз ўзининг машаққатли, ҳам мураккаб йўлидан дадил одимламоқда. Танлаган йўлимиздан оғинмай, фарзандларни маърифатпарвар боболаримизга муносиб инсон сифатида тарбиялаш эса муқаддас бурчдир.

Назокат УСМОНОВА
(ЎЗА)

БОЛАЛАРГА СИНГДИРИЛАЁТГАН ИЛЛАТЛАР

ёхуд тарбия
фақат мактабга боғлиқ эмас!

« Айрим ёш ота-оналар боланинг фақат индивидуал ривожланиши билан ўралашиб қоладилар. Уларга баъзида хайрон қоласан. Фарзандининг чақалоқлигиданоқ ундан «вундеркинд»ни шакллантиришга ҳаракат қилади. Албатта, ҳаммамиз ҳам фарзандимиз кун ҳолиб даромадли касбнинг муваффақиятли эгаси бўлишни хоҳлаймиз. Уларни шундай тарбиялашга интиламиз. Аммо...

Қандай қилсак, бой-бадавлат бўлади, деган орзудаги ота-оналар билан суҳбатда бу аён бўлиб қолмоқда. Тарбия борасида солиштирганда ҳам фалончи олигарх эталон қилиб олинади доим. Болага номи чиққан машҳурлар исмини қўйиш ҳам удул бўлган. Ҳозир бошланғич синфлардаги болаларнинг аксарият исмлари ўша кишиларга ўхшаб юрсин, деб ният қилинади. Ойбек, Бобур, Низомиддин каби исмларни қўйиш камайиб кетаётганлиги ачинарли.

Маълум вақтларда зиёлиларга қиёсланган исмлар энди кам қўйилапти. Ахир яхши ният билан қўйилган исм ҳам кўрк. Биз ота-оналар болада ривожлантириш мумкин бўлган барча нарсаларни ривожлантирармиз, бироқ, инсоний жиҳатлар, хулқ-атворнинг оддий қондалари эса биров четга чиқиб қолгандек гўё. Муҳими – ғалаба сари олға, ўзгалардан ёмонроқ бўлмаслик, улгуриш ва енгил. Болада худбинлик учкунлари ёшлигиданоқ шаклланиб бормоқда.

Биз билиб-билмай шу каби ёмон иллатни болага сингдириб қўяётганимизни пайкай олмаямиз. Янги ўқув йили бўсағасида турибмиз. Бу йилдан бошлаб барча синфлар кесимида Тарбия фани жорий этиляпти. У қандай самара беради, буни вақт кўрсатади. Назаримда, тарбия фақат мактабга боғлиқ эмас, балки оила, маҳалла ва кенг жамоатчиликка боғлиқ.

Баъзида ҳатто ўзимиз ҳам ёшларга ғамхўрлик ва обрў, эзгулик ва ҳашамат ўртасида тўғри танловни кўрсата олмаймиз.

Шунинг учун ҳам ўз шахсиятингиз, чегараларингиз, қобилиятингиз ва имкониятларингизни ҳимоя қилиш – тўғри ва ижобий ҳолат. Бироқ ўзгаларнинг айнан шу ҳуқуқларини тан олишингиз жуда муҳим. Ҳўп, болага биз нималарни ўргатмай доғда қолмоқдамиз?

Биринчидан, эзгулик, ўзгаларга ёрдам қўлини узатиш, ғамхўрлик. Интернет, мобиль алоқа ва исталган ахборотни олиш имкониятига эга болалар ота-онаси ва ўқитувчилари уларга ҳаётнинг фақат кора томонларини кўрсатишларига эҳтиёж сезишмайди. Улар буни телевизион янгиликлар, Youtube тармоғидаги роликлар орқали билиб олишади.

Ҳа, (юмишқ қилиб айтганда) дунё мукамал эмас, бироқ бу одамлар фақат

бир-бирига зарар етказишнинггина билди дегани ҳам эмас. Цивилизациянинг бугунги кунга қадар барҳаёлигининг сабаби – бизнинг эзгулик ва ёрдамга ишончимиз.

Яқинда шахримиз маҳалларидан бирида бир неча уй бирданга ёниб кетди. Маҳалла ахли шу хонадон жабрдийдаларига қўлдан келганича маблағ тўллашга киришишди. Шунда ажойиб бир тарбиявий воқеа ёз берди. Дониёр исмли 6-синф ўқувчиси хар куни отасининг топишириги билан 2000 сўмга икки буханка нон олиб, қолган қайтимага ўзига музқаймоқ олишга келишилган экан. Дўкон каршисидаги ёниб кетган уйлари кўриб, Дониёр қолган арзи-маган пулига музқаймоқ ейишдан воз кечиб, яъни болалик ширин нафсини тийиб, талафот кўрганларга маблағ тўллаётган маҳалла вақилига бориб



жабрдийдаларга ёрдам деб ўзининг арзимасида хиссасини қўшди. Бу воқеа гувоҳларни ларзага келтирди. Шу мурғак қалб эзгуликнинг энг қаттасини қилди. Кейин билсак, боланинг оиласида ҳаммага ёрдам бериш оdatи бор экан.

Иккинчидан, миннатдор бўлиш ва «Раҳмат» айтиш кўникмаси. Тавозели, мулоим ва маданиятли бўлиш – жуда муҳим. Бу нафақат яхши хулқ белгиси, балки ўзингизда мавжуд бўлганини қадрлаш ва ҳаётни ҳурмат қилиш ҳамдир. Китоб ўқиган киши ҳар қачон маданиятли бўлади. Бадфеъдан ҳамма қочади. Болалигида сўқонғич бўлган бола катта бўлганида ҳам шу феъли билан қолади.

Яхшилик қилган одамга доим раҳмат айтиш ва ўз миннатдорлигини изҳор қилиш одамийлик мулки. Чегара доирасида тавозели бўлиш қилининг ички

маданиятини билдиради. Ҳозир ёши катталарни ҳурмат қилмайдиганлар орамизда учрамоқдаки, бу бетарбияликлар шубҳасиз хунук кўринади. Корея, Япония каби мамлакатлардаги инсонларнинг тавозесига киши ҳавас қилади. Бизда ҳам қўли доим кўксига бўлади-ган болаларимиз йўқ эмас. Бирор иш буюрсангиз, «Хўп бўлади», дейишлик кишининг одоби дейилади. Аммо, ёш амалдорларнинг баъзи беодоблиги ҳам учрамоқда. Хайрият, булар озчилик.

Учинчидан, ёқимли суҳбатдош бўлиш, мулоқот қилиш кўникмаси. Ўзгалар гапини бўлмасдан тинглаш, чуқур маъноли ва танқидий фикрларни ичда сақлаб билиш – дўстга эга бўлишни истайдиган киши учун муҳим хусусиятлардан бири. Албатта, ҳаётда суҳбат қуриш истагини уйғотувчи кишилар хар доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Жигингизга тегадиган кўпни, эзма кариндош ҳам учраб туради, бироқ кўполлик кўпинча жоғаро ва зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, ташки кўринишининг тартиблилиги. Сўнгги урфда кийиниш мумкин, бироқ ювилмаган сочлар ташки кўринишга кўрк бермаслиги ва кишида ишонччи сўндириши аниқ.

Инсонда ички маданият ва ташки маданияти ҳам ниҳоятда гўзал бўлиши лозим. Ҳозир ота-оналар болаларини соф миллий кийимларимиздан воз кечдириб мутлақо ғарбча, бизга умуман ярашмаган кийимларни – ўғил болаларга қалта пайпоқ, тор ва тиззаси йиртиқ шим кийдиришмоқдаларки, бу соғлиққа ҳам, ор-номусимизга ҳам зид. Кийим масаласида ҳаммаша ўртамеъналик, замонасига, миллатига мос бўлиш яхши.

Бешинчидан, бемаъни сўзлар ва салбий ибораларсиз тоза нутқ. Барча грамматик хатолар учун уришиш шарт эмас, бироқ нутқ маданияти – инсон учун муайян даража ва имконият демек. Болаларга фикрини аниқ баён этиш, ўз нуктаи назарини суҳбатдошига еткази билиш, бой луғат захирасига эга бўлишда ёрдам беринг. Ана ўшанда

уларни келажакда қўшай муаммо ва нуқулвай вазиятлардан халос этасиз.

Агар китоб ўқимаса, сўз бойлигини қасрдан олади бола? Агар ота-она китоб ўқимаса, ахвол бундан баттар бўлади. Уйда битта ҳам китоби йўқ оилалар бор. Ваҳоланки, шу оилаларнинг моддий бойлиги бисёр. Фақат маънавий бойликдан қисилиб қолганини ўзлари ҳам билишмайди.

Олтинчидан, бағрикенглик (толерантлик) – ота-оналар ўз фарзандларига бериши лозим бўлган энг муҳим қадриятлардан. Бутун дунё учун бу хали ҳам оғриқли нуқта. Бироқ жигарбандларимиз зўравонлик зулми уйғотиши, сабр ва ўзганинг нуқтаи назарини қабул қилиш – ўзаро ишонч ва тотув ҳаёт кечирининг ягона қалити эканини билиши лозим. Ҳар қандай миллат, дин ажратиш ҳамма даврларнинг энг жирканч иллатлари бўлиб келган.

Еттинчидан, дунёга илмий нигоҳ. Биз ва сайёрамиз муайян қонунлар бўйича яшаймиз. Илм-фан туфайли замонавий цивилизация ютуқларига эришилган. Кўпчилик учун илмий қонуниятларни тушуниш осон эмас, бироқ барини юқори кучлар томонидан амалга оширилган деб тушуниш ҳам аҳмоқона ҳолат. Айван илм-фан болаларга ҳаёт асосини англаш ва фирибгарлар қўлига тушиб қолмаслик имконини беради. Яна гап китобга, турли-туман «Болалар энциклопедия»ларини ўқишга тақалаверади. Очиги, болалар фантастик китобларни ўқимай қўйди. Афсуски, фантастик китоблар ҳам ёзилмапти. Техника, муҳандислик илмига қизиқиш бўлмас экан, ривожланиш бўлмайди. Рақамли дунё, иқтисоднинг талаби шу.

Саккизинчидан, табиат ва атроф-оламга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш. Бу масалада чегароли ва баландпарвоз гаплар билан чегараланишнинг ўзи етарли эмас. Йўлакнинг ифлослиги, гулларнинг пайхон қилингани, чикиндининг идишига солинмаслиги устидан шикоят қиламиз. Бироқ ўз-ўзимизни назорат қилиб, бунга фарзандларни ҳам ўргатишни ҳеч ким маън этмайди. Болалар сақич чайнаб ерга отмоқдалар, писта чақиб, атрофни ифлос қилмоқда. Биз ҳамон бефарқмиз. Япония мактабларида болалар ҳафтани бир кунда мактабларини ўқитувчиси бошчилигида киртишлаб тозалайдилар.

Германияда йўлақлар аини болалар иштирокида ювилади. Ҳамма нарса хар йили бўялади. Бунда аини мактаб ўқувчилари фаол. Бизда ота-оналар бу каби юмушларни бошқалар қилиб беришини талаб қилишдан нарига ўтмайди. Ҳеч ким меҳнат қилиб ўлиб қолган эмас. Ҳашар, шанбалликлар мажбурий меҳнат эмас, балки миллий оdatларимиз. Озодалик иймоннинг бир бўлаги. Ҳамма ўз атрофини ораста қилмаса, унга биров келиб қилиб бермайди. Ҳозирги болаларга озгина иш буюрсанг, ота-оналари эътироз билдиришмоқда.

Тўққизинчидан, орзу қилиш, ҳаётот оламига шўнғиш, тасаввур оламини бойитиш, янги нарсаларга интилиш, ўз олдига мақсадлар қўйиш – баландликларга интилишни болаларга ўргатишимиз керак. Яхши ният – ярим давлат. Яхши ниятга фаришталар ҳам омин, деб туради. Бу олатий нарсалардан ташқарига чиқиб, дунёқарашни кенгайтириш, оламини турли бурчакдан кўриш имконини беради.

Ўнинчиси, ҳалол ва сабрли бўлиш. Ўзгалар ҳақидан кўрқини. Ҳаётимизнинг асоси ҳам мана шунда. Барча таълим ва тарбия воситалари шу эзгу ишга йўналтирилиши даркор.

Бахтиёр ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси

Айнан илм-фан болаларга ҳаёт асосини англаш ва фирибгарлар қўлига тушиб қолмаслик имконини беради. Яна гап китобга, турли-туман «Болалар энциклопедия»ларини ўқишга тақалаверади. Очиги, болалар фантастик китобларни ўқимай қўйди. Афсуски, фантастик китоблар ҳам ёзилмапти. Техника, муҳандислик илмига қизиқиш бўлмас экан, ривожланиш бўлмайди. Рақамли дунё, иқтисоднинг талаби шу.



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Сиз азизларни энг улуг ва
табаррук байрамимиз –
она Ватанимиз мустақиллигининг
йигирма тўққиз йиллиги билан
муборакбод этади!

Юртимиз тинч,
осмонимиз ҳамisha
мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз
абдий бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Мустақиллик байрами —
Ватанимиз истиқлолининг
29 йиллиги шодиёнаси билан
самимий қутлайди!*

*Ўзбекистон кўп асрлик тарихида
янги давлат, янги жамият барпо этиш
йўлида дадил ва
мардона одимламоқда.*

*Юртимиздаги бунёдкорлик ишлари
дунёга бўй кўрсатмоқда.*

*Юртимизда тинчлик, ҳар бир хонадонда
фаровонлик барқарор бўлсин!*

Истиқлол айёми муборак, азизлар!



«АНДИЖОНМАХСУССУВПУДРАТ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**Буюк истиқлолимизнинг
катта шодиёнаси –**

**Ўзбекистон мустақиллигининг
29 йиллиги билан барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади!
Озод ва обод ватанимиз тараққиёти йўлидаги
фидокорона меҳнатингиз
баракали ва зафарли бўлсин.
Қўлни-қўлга берайлик, шу юрт
равнақи йўлида қилинаётган бунёдкорлик
ишларига ҳар биримиз камарбастамиз!**

**Байрамингиз
қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**



**«НОРИН-СИРДАРЁ» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
СУВ ОМБОРЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

*Кўп миллатли халқимизни
энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз
истиқлолининг йигирма тўққиз йиллиги
шодиёналари билан самимий қутлайди!
Янги Ўзбекистон равнақига қўшаётган
ҳиссангиз бундан-да зиёда бўлсин!*



*Мустақиллик байрами
қутлуз бўлсин!*



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Обод юртимиз аҳлини энг кутлуғ, энг қувончли кун –
мустақиллик, озодлик, хурлик байрами билан
муборакбод этади!**

**Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги
барчангизга муборак бўлсин.**

**Байрам шукухи ҳар бир хонадонга
фаровонлик, файз ва барака
олиб кираверсин!**

**Истиқлол шодиёнаси
муборак!**

Хизматлар лицензияланган.



АЁЛ КИШИНИНГ МАРТАБАСИ

« Кўнглимдан кечган бу ўй-фикрларимни мухтарам опа-сингилларимга атадим. Зеро, мен англаб етган ҳақиқат шуки, ҳаётда аёл киши учун энг улуғ мартаба, энг катта бахт бу – аёллик саодатини ҳис қилиб яшаш экан.

Оилада ўғил болалар орасида ўсганман. Ака-укаларимдаги эркакаларга хос баъзи бир тутумлар болалигимдан мерос бўлса керак. Оиламизда акаларимнинг кийимларини кийиб катта бўлдим. Уларда кўрган хатти-ҳаракатларга тақдир қилиб ўсдим. Улар билан велосипед ҳайдадим, от миндим, Акаларим ҳар бир ишни ўзлари мустақил бажаришга одатланди. Мен ҳам уларга эш бўлдим. Мактабда ҳам кўпинча ўғил болалар билан ўйнардим. Кийинишим, юриш-туришим, гап-сўзим ҳам уларникига ўхшаши билан фахрланардим. Вақти келиб, уйимизга совчилар кела бошлаганида ўзимни жуда ноқулай сезганман. Ахир, мен қандай қилиб бутун умр битта эркакка қарам бўлиб яшашим мумкин? Бегона бир эркак менинг устимдан ҳукмронлик қилса, хўжайин бўлса, итосатни талаб этса... Буни ҳеч тасаввур қила олмасдим. Менинг мана шу табиатим эркак кишининг ҳукмронлиги остида яшашимга ҳалакат берарди.

Отам мени дўстнинг ўғлига узатди. Янги оилга кўникишим жуда қийин кечган. Ўзимни ҳамма нарсадан махрум бўлган, ҳеч бир ҳуқуққа эга бўлмаган абгор кишидек та-

саввур қилганман. Турмуш ўртоғим ёши катта, тажрибали инсон бўлганидан менинг унча-мунча гапларимга эътибор бермасди. Бу ҳолат мени янада асабийлаштирарди. Ҳозир ўйласам, ўша пайтдаги қилиқларимдан уялиб кетаман.

Янги оилга ҳали эндигина кадам қўйган келинчак ўзимча ҳаммага ҳукмимни ўтказмоқчи бўлган, ҳаммани тартибга солишга чиранган эканман... Оиламиздаги ҳамма эркаклар билан нарсани эпловмайди, жуда бўш, шижоатсиз бўлиб кўриларди. Шундан ҳамма ишни ўз қўлимга олишга интилиб, оиламиздаги қанча яқинларимнинг дилини хуфтон қилган эканман. Бунинг оқибатида нимага эришдим? Яқинларимнинг таъна-маломатига. Ота-онамга ҳам беҳуда ташвиш орттирдим. Энг асосийси, соғлиғимни йўқотдим. Сурункали касалликка чалиниб, узок муддат тўшакка михланиб қолдим. Бу орада ота-онам дунёдан ўтиб кетишди. Мени жонидан ортик кўрайдиган, ҳаминча қалқон бўлиб турайдиган акаларим ўзидан ортмай қолди. Мен эса, бутун умр ўзим камситиб, айб-



лаб келган эримнинг қўлига қараб, пешонамдагини кўриб, тақдирга тан бериб яшайман.

Турмуш ўртоғимга шунча ташвиш келтирган бўлсам-да, у мени бир лаҳза ташлаб қўймади. Керагидан ортик меҳрибонлик кўрсатяпти. Ҳозир пул топиш, оилани бошқариш, ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш ҳақида умуман бош қотирмайман. Буларнинг ҳаммаси хўжайинимнинг зиммасида. Мен эса, бир оиланинг ардоқли бекаси сифатида турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг хурмат-иззатидаман. Пул билан, оилани бошқариш билан ишим йўқ. Лекин оилам бир пайтлар мен орзу қилгандан ҳам аъло. Шунинг учун «нима берса, эркакка берсин экан», деб дуо қиламан. Ҳар бир нар-

сада хўжайинимнинг маслаҳати, йўл-йўриғига суянаман. Унинг маслаҳатисиз ўзимча бирон нарсани қилолмайман. Ва бундан хузур топаман. Эркак кишининг ўз аёлига суянч бўлиб яшаш шунча керак-да. Аёл киши учун бундан ортик яна нима керак?..

Йиллар давомида ҳамма нарсанига ўзимча эришаман деб беҳуда уриндим. Оқибатда ҳеч нарсанига етишолмадим. Энди куч-қувватдан қолиб, ҳақиқий аёлнинг мақоми – ўз эрига тўлиқ итосатда ўтирганимда бутун умр излаб тополмаганим оилавий ҳаловат ўзи мени истаб келди. Оилада байроқдорликнинг бесамар курашларидан чарчаган кўнглим ҳаловат нималигини ҳақиқий итосатдан топди.

Ўйлаб қарасам, бир вақтлар шу гапларни менга ҳам кимлардир кўп айтган экану мен уларни заррача эшитмаган эканман. Энди эса, ўз бошимдан кечирган ҳаётим тажрибам кимларгадир асқатармикан, деб қуюнаман. Ўз эрига эрлик қилиш даъвосида юрган гўр келинчакларда ўз қисматимни кўраман. Не қилайки, улар ҳам худди мен каби кулоқсиз. Ерга урса, осмонга сапчийдиган бундай келинчаклар ҳали ўн гулидан бири очилмай ўз умрини хазон қилаётганини тасаввур ҳам қилолмайди. Улар ўзларича калта ўйлаб «бу дунёда чинакам эркак йўқ» деб ҳисоблашади. Чинакам эркакни топиш ва кўриш учун аввало ўзимиз чинакам аёл бўлишимиз, ўзимизнинг аёллик ўрнимизни билишимиз, шунга риоя қилиб яшашимиз зарурлигини, афсуски, ўйлаб ҳам кўришмайди.

Баъзан ўйлаб қоламан: яхшиям Аллоҳ бизга бу дунёда эркак зотини устимизга соябон қилиб қўйган экан. Шуларнинг қаттиққўллиги, талабчанлиги, андишаси бўлмаганда, аёл бошимиз билан нималар қилмасдик-а?

Ўз даврида давронини суриб, пичоғи мой устида бўлиб турган аёллар – жоначон сингилларим бу гаплардан ўзларига яраша хулоса чиқариб олишса, фақат фойда кўришадди. Сизнинг энг катта бахтингиз бир эркакнинг паноҳида эканини унутманг, азизалар!

Хосият ЭШҚОБИЛОВА

ОИЛАДАГИ АҲИЛЛИК

шукр ва қаноат қилишга боғлиқ

« Айрим оилаларда пайдо бўладиган жанжаллар яхшилаб ўйлаб кўрилса, ўта оддий, арзимас сабаблардан келиб чиққан бўлади.

Аёл эрига итосат этишга, розилигини қозонишга буюрилганидек, эр ҳам хотинига эҳсон қилишга, лутф-марҳамат кўрсатишга, унинг айрим ноҳўя ҳаракатларига сабр қилишга, яхши, тинч-тотув яшаш, едириб-ичириш ва кийдириш каби ҳақларини адо этишга буюрилган.

Аллоҳ таоло айтадики: «Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар» (Нисо, 19).

Эр хотиннинг қариндошларини, хотин ҳам эрнинг қариндошларини хурмат ва иззат қилиб, хуш муомалада бўлмоғи лозим. Хотинни ўз оиласидан ажратиб бўлмаслигини эр билиши даркор. Чунки хотини ўз оиласи билан кўп вақт яшаган ва оиласига ҳам қизи азиз фарзанд. Эркак заифасининг оиласини ёмон кўришини шариат мезони тарозисига қўйиб кўрсин. Агар уларни дунёвий сабабдан ёмон кўрса, тавба қилсин. Зеро, дунё бир-биримизни ёмон кўришимизга арзимайди. Агар шариатга тўғри келмайдиган иш юзасидан ёмон кўраётган бўлса, уларга инсоф беришни сўраб Аллоҳга дуо қилсин. Лекин ёмон кўришини очик айтиб, хафа қилмасин. Эко ҳолда, хотиннинг газаби қайнаб, «эримнинг олдида яқинларимнинг қадри йўқ», деган фикрга келиб қолади.

Аввало, Аллоҳ учун, сўнгра хотинингизни яхши кўргангиз учун унинг оиласини ҳам яхши кўришингиз керак.

Хотин киши Аллоҳ таоло эрига берган



насибага рози бўлиши ва унга инжиқлик қилмаслиги керак.

Аёл киши эри топган ризққа шукр қилиб, қаноат қилиши, эрининг бу йўлдаги машаққатларини қадрлаши, харом касбга ўтишидан кўркиб, ундан ҳожатдан ортигини талаб қилмаслиги даркор. Балки, эрини ҳам қаноатга ундаб, харом йўллардан огоҳлантириши зарур. Утган солиҳ зотларнинг аёллари ўз эрларига шундай дер эканлар: «Ҳаром касбдан сақланг! Биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо дўзах оловига чидай олмаймиз».

Афсуски, баъзи аёллар қайсибир бир эркакнинг ўз хотинига сарфлаган нарсаларини мисол қилиб, эрларидан худди шундай таъминот талаб қиладилар. Ҳолбуки, инсон ўзидан юқоридагига эмас, ўзидан пастроқдагиларга қараши айни ҳикматдир. Ана шунда инсон ўзининг қанчалар кўп неъмат ичда эканлигини ҳис қилар, шукр қилишни бошлайди.

Мухсин МУҲАММАД
тайёрлади.

ЖАНЖАЛГА ҚАРШИ ДОРИ

Бир куни бир аёл дугонасига эридан шикоят қилиб деди:

«Эрим уйга келиб арзиман нарсани учун бақирчакир қилиб, жанжал кўтаради. Ҳаммаси жонимга теғди, нима қилишимни билмай қолдим...»

«Биласанми, дугонажон, менинг ҳам эрим шунақа эди. Қўшим бир дори берган, ўша туфайли жанжаллар йўқолди. Ўша доридан фойдаланган аёл борки, эри мулоғим ва хушмуомала бўлиб қолади. Мен сенга бир шишчасини берман. Сен унинг бир қошигини эринг жаҳли чиқиб бошлаган захоти оғзингга солсан, фақат юти юборма! Ва уни эринг тинчланмагунча ютмай тутиб турасан. Тинчланган захоти тупуриб ташла», – дея маслаҳат берибди дугона.

Аёл дорини олиб уйига кетди.

Бир ҳафта ўтгач, улар уч-

рашиб қолишди. Дори олган аёл қувонч билан деди:

– Раҳмат сенга! Сен ҳақ экансан: дорини шундоқ таъсир қилиб, дарҳол тинчланди...

Албатта, эр-хотин бахтиёр яшашни истаиди. Аммо истаса-истамаса, улар орасида келишмовчиликлар бўлиб туради. Яқинлари билан ахил-иноқ яшаш – тушунмовчиликлардан безган руҳиятга энг керакли озиқ-дори. Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш оила аъзоларининг саодатига хизмат қилади. Бунинг учун аввало икки тараф ҳам бир-бирини тушуноғи аёл ва эр ўз ҳақларини адо этмоғи лозим.

Оиладаги тинч-тотувлик, осойишталик кўп жиҳатдан аёл кишига боғлиқ. Келишмовчиликлар юзга келганда аёл босиқлик қилиб овозини баландлатмас, эркак жазавага тушмайди.

Ёқуб УМАР

ГЛАУКОМА — ҚАЙТАРИБ БЎЛМАЙДИГАН КАСАЛЛИК

«Глаукома (юнон тилидан таржима қилинганда «денгизнинг яшил ранги» деган маънони англатади) даволанмаса, кўзнинг бутунлай кўрмай қолишигача олиб келиши мумкин бўлган прогрессив касалликдир. Ҳозирги вақтда глаукома деганда кўпинча келиб чиқиши турли бўлган касалликлар гуруҳи тушунилади. Ушбу касалликларнинг ривожланишига нима сабаб бўлганлиги борасида ҳали, ҳамон аниқ бир тўхтам мавжуд эмас. Глаукома ҳар қандай ёшда пайдо бўлиши мумкин, аммо кўпинча у қарияларда ривожланади.

Глаукома учун «хавф гуруҳлари» қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ⇒ 60-70 ёшдан ошган одамлар, ҳатто кўзларидан умуман шикоятлари бўлмаса ҳам;
- ⇒ ўнг ва чап кўзларнинг кўз ичи босими орасидаги фарк 5 мм.Хг. дан юқори бўлса;
- ⇒ ёшдан қатъи назар, кўз ичи босими кўтарилган одамлар;
- ⇒ паст (*ёш нормасига нисбатан*) қон босими бўлган одамлар;
- ⇒ диабет, эндокрин, асаб ва юрак-қон томир касалликлари бўлган одамлар;
- ⇒ кўз жароҳатлари, кўзларнинг яллиғланиш касалликлари, кўз жароҳлиги билан касалланганлар;
- ⇒ гормонал дорилар билан узок давланиш курсидан ўтганлар.

Глаукома ривожланишининг сабаблари

Суюқлик оқиши ва оқиб чиқиш баланси туфайли маълум бир босим (18-22 мм.Хг.) соғлом кўзда доимий равишда сақланиб туради. Глаукомада бундай қон

айланиши бузилади, суюқлик тўпланади ва кўз ичи босими кўтарилга бошлайди. Кўзнинг оптик асаб ва бошқа тузилмалари кучайиб боради, кўздаги қон таъминоти узилади. Оқибатда, оптик асаб атрофидаги визуал сигналлар миёга оқишни тўхтатади. Киши ёмонроқ кўришни бошлайди, периферик кўриш бузилади, бунинг натижасида кўз бутунлай кўрмай қолиши ҳам мумкин.

Глаукоманинг асосий белгилари:

- кўзлардаги оғирлик ҳисси, кўриш соҳасининг торайиши;
 - лойка кўриш, кўзлар олдида «панжа-ра» пайдо бўлиши;
 - ёрқин нурни, масалан, чирокни кўрганда, кўзлар олдида «камалак доиралари» пайдо бўлиши;
 - кечкурун ва тунда кўришнинг ёмонлашиши;
 - кўз атрофидаги доимий енгил оғриқ;
 - кўзларнинг тез-тез қизариши.
- Кўпинча беморлар глаукоманинг ўткир ҳужумини мигрен, гипертензия, захарланишнинг намоён бўлиши билан



адаштирадлар, бунда шунга ўхшаш аломатлар кузатилади. Глаукома хуружини битта характерли хусусият билан таниб олиш мумкин: кўз ичи босимининг кескин ошиши натижасида кўз ковоғи жуда қаттиқ, зич бўлиб қолади.

Глаукоманинг бошқа кўз касалликларидан фарқи


Глаукома — қайтариб бўлмайдиган касаллик бўлгани учун даволанишни ўз вақтида бошлаш жуда муҳимдир. Касалликнинг бошланишини аниқлаш учун кўз ичидаги босимни оддий ўлчаш етарли эмас. Фундус ва оптик асаб бошини батафсил ўрганиш, шу-

нингдек, кўриш майдонини текшириш, яъни синчковлик билан диагностика текшируви ўтказиш талаб этилади.

Кўпинча глаукома ташхиси аллақачон кўришнинг ёмонлашиши билан ёки йўқолгандан кейин ўтказилади. Бунинг сабаби, қонда тарикасида, касаллик эрта босқичларда ўзини намоён қилмайди. Баъзида глаукома билан ўткир оғриқ кўзда пайдо бўлади, аммо бундай белгилар глаукоманинг ўзига хос аломатларига тегишли эмас ва бошқа кўз касалликларида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Бу вақтда кўз қорачиғи кенгайган, шакли нотекис, кўз ковоқлари шишган, шох пардаси хиралашган бўлади. Бундай ҳолатда сиз имкон қадар тезроқ шифокорга учрашингиз керак.

КОРОНАВИРУС АНИҚ саволларга жавоблар



Коронавирус билан касалланиш болаларда бирор асорат қолдирадими?

Коронавирусдан сўнг болаларда бош оғриғи, йўтал ва ҳазм қилиш аъзолари фаолиятидаги бузилишлар сақланиб қолади.

Болалар коронавирис олдида аввал ўйлагандан кўра кўпроқ заифроқ бўлиб чиқди — уларнинг кўчличилигида ҳатто тузалгандан кейин ҳам салбий асоратлар сақланиб қолади. Бу ҳақда «The Wall Street Journal» хабар берди.

Америкалик шифокорлар COVID-19 дан сўнг болаларда бош оғриғи, йўтал ва ҳазм қилиш аъзолари фаолиятидаги бузилишлар сақланиб қолишини кўпроқ кайд эта бошлади. Шунга қарамай, уларнинг аксарияти вирусни енгил шаклда ўтказиши тасдиқланган.

Болаларда мультисистемали яллиғланувчи синдром деб аталувчи асорат энг кўп учрайди. Таъкидланишича, АКШда 9 июлдан буён касалликни юқтирган болалар сони икки баравар кўпайган.

Коронавирусга чалинган кўпгина болаларда Кавасаки касаллигини эслатувчи кўплаб яллиғланишлар кайд этилган. Кейинроқ COVID-19 фонида болаларда ҳалокатли гипертитокинемия — организм тўқималари шикастланишига олиб келувчи назорат қилиб бўлмайдиган яллиғланиш ривожланиши мумкинлиги ҳам исботланган.

Экспресс-тест таҳлили тартиби қандай ва у қимларда ўтказилади?

Иммуноглобулин М ва G синфига қирувчи антитаначалар тезроқ тестлар, яъни, сезгирлиги

85 фоиздан, спецификлиги эса 95 фоиздан кам бўлмаган очик ва ёпиқ турдаги иммунофермент таҳлили тўпламлари билан аниқланади.

Бунда М синфига қирувчи антитаналар ёки COVID-19га қарши йиғинди антитаначалар ижобий бўлган барча беморлар тўғрисида шошилиш хабар Санитария-эпидемиологик осойишталик марказига берилади ва улар қўшимча равишда COVID-19га ПЗР таҳлилида текширилади.

ПЗР таҳлили манфий, лекин G синфига қирувчи антитаначалар ёки COVID-19га қарши йиғинди антитаначалар текшириш натижаси ижобий бўлган шахсларда иммунитет пайдо бўлган ва COVID-19дан ҳимояланган деб ҳисобланади.

ПЗР таҳлили жавоби мусбат бўлганда текширилувчи коронавирус инфекцияси билан касалланган деб ҳисобланади ва касаллик кечини даражасига қараб даволанишга юборилади.

Коронавирусдан соғайган кишилар ушбу хасталикка яна қайта чалиниши мумкинми?

Гонконг университети тадқиқотчилари коронавирисни қайта юктириб олиш бўйича дастлабки ҳолат тасдиқлангани ҳақида маълум қилди.

33 ёшли эркакда у COVID-19га чалиниб, касалликдан тузалгандан тўрт ярим ой вақт ўтиб яна инфекция юктириб олиш ҳолати кузатилган. Бемор биринчи марта коронавирис инфекциясига чалинганида унда касалликнинг енгил белгилари кузатилган, ҳозирда ушбу аломатлар ҳам мавжуд эмас.

Олимларнинг фикрича, такрорий инфекция эркак Испаниядан қайтганидан кейин янги вирус томонидан қўзғатилган. Вирус геноми текширилганида коронавириснинг иккинчи штамми биринчидан фарқли экани ва июль-август ойларида Европада тарқалган штаммга ўхшаш экани аниқланган.

«Koronavirus Info» Телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.

БИЛАСИЗМИ? Синовдан ўтган самарали усуллар

- ✓ Тишингиз оппоқ ялтираб туришни учун лимон пўстлоғи билан артинг.
- ✓ Тини оғриғида қури-тилган чиннигулларни чайнаш, яхши фойда беради.
- ✓ Кўк ёки қора чой қуруғини ёстигингиз жилдига солиб ухласангиз, уйқунгиз осуда бўлади.
- ✓ Тез ухлаш учун уйқудан олдин бир стакан суг ёки бир бўлак пишлоқ истеъмол қилинг.
- ✓ Томоқ қирилганда қирғичдан ўтказилган лавлати ёрдам беради. Унга 1 чойқошиқ сирка қўшасиз ва шарбатини сиқиб оласиз. Шу шарбатта томоғингизни тез-тез чайиб туриш.
- ✓ Анорнинг қуригилган пўстлоғи қайнатиб ичилса ичкетишда яхши ёрдам беради.
- ✓ Ичкетишда эса анорни пўстлоғи билан чайнаб ейиш лозим.
- ✓ Ошқозон безовта қилганда 1 литр сувга 1 чойқошиқ туз қўшиб ичиш лозим.

« Махлук бақалок ўртоғимизни бутунича ютиб юборди. Жағлари қимирлаганини сезмадик ҳам. Бир луқмада ишини ҳал қилди-қўйди. Бечорани шундай оёғидан кўтарди-да, гордек очилган оғзига ташлаб юборди. Гўё кудуққа тушгандек, бақирганча тубсизлик қаърига равона бўлди шўрлик ўртоғимиз.

Кўчада у ёк-бу ёқдан гаплашиб, кулишиб тургандик. У осмондан тушгандай тўсатдан пайдо бўлди. Бечора Қўзивой нима бўлганини сезмай ҳам қолгандир. Ҳаммамиз оёқни қўлга олиб қочиб қолдик. Қолганларнинг холи нима кечганидан хабарин йўқ. Амаллаб уйга кириб, дарвозани қулфлаб олдим. Хайриятки, махлук уйимизга кирмади.

Бўйи симёғочдан баянд, юрганга ларзонга тушарди. Тишлари улкан темир қозикни эслатар, юзи бўшашган хамир бошига чаплаб қўйилгандек оқиб тушай дерди. Айниқса кўзлари кўрқинчли эди. Қорачиги йўқ, оловранг ҳолда ёниб турган бу нигоҳларни кўриб кўркмай бўлмасди. Ҳа, улар оловранг бўлиб, ёниб турарди. Худди бошининг ичида ўт ёняпти-ю, иккита қатта тешикдан ташқарига отилаётгандек туюларди одамга. Юзининг оқ мумдек эриб тушаётгани балки шундандир.

Уйдагилар тарашадек қотиб қолган, яна бир семизгина кўшнимиз —Тошмат бобони ишгаха билан ямламай ютаётганини девор олдида томоша қилиб туришарди. Энди бечора Тошмат бобо ҳам йўқ. Жон дегани шунчалар сабил эканда-а! Кўчамизни нолаю фарёдлар тутиб кетганди. Дев яна уч кишини жигилдонига ташлади. Шу пайт у мени кўрди-ю, лекин эътибор бермадим, бошқа бир қурбонини қува кетди. Қадмлари зарбидан замин ларзага келаётганди, худди қиёмат кўпгандек.

Бу тушми ё ўнгмиди, билолмасдим.

Чиндан ҳам, одамсифат махлук ҳовлиларга қира олмас экан. Мана, бир неча кундан бери ким қурбон бўлган бўлса, бу фалокат унинг уйдан ташқарида рўй берди. Ҳеч ким кўчага чиқолмай қолди. Қишлоғимиз одамлари қамалда қолишганди. Ташки дунё биз учун берк, озиқ-овқатларимиз эса борган сари камайиб борарди. Тарих дарсликлариди ўқигандим: узоқ муддат қамалда қолганлар харом нарсаларни ҳам ейишга мажбур бўлишган. Масалан, ўлимтик, қалтакесак, мушук, илон, қурбақа, ит... Лекин бизнинг ҳолатимиз ажодларимизникидан кўра оғирроқ эди. Сабаби улар бир худуд доирасида қамалиб қолишган. Бир-бирлари билан бемалол гаплаша олишган, кийинчиликларга қарши бирлашишга имкониятлари бўлган. Бизда эса ҳамма ўз уйда қамалда. Бу жуда ёмон эди. Чунки ҳолат одамларнинг ўзаро итти-

фоқ бўлиб махлукка қарши чора кўриш имкониятларини йўққа чиқарарди. Кимда-ким дарвозаси остонасидан бир кадам силжидими, бас — ўзини махлукнинг жигилдонига кўрарди. Ахвол бундай бўлгач, ким ҳам юрак ютиб ташқарига чиқа оларди, дейсиз?

Қишлоқдошларимиз ҳатто бир девор кўшнисиникига ҳам ўтолмай қолди. Бизникига девор оша ўтган ён кўшнимиз Қўлмат амакини махлук кўз олдимда чинқиртириб ютди. Мен ҳам тамом бўлдим деб ўйлаган эдим, лекин у бошқа ҳеч кимми

курашишни ҳаёлларига ҳам келтирмадилар. Кўркув ҳисси идрокларимиздан ҳам айирган эди. Ҳаёлимизда фақат қорин тўйғазип, нима қилиб бўлса-да, омон қолиш. Балки энг тўғри йўл ҳам шудир. Чунки бундай ғаройиб махлукни энгиб бўлмаслиги кундай равшан бўлиб қолди. Биргина нажот — сабрдан.

Энг қийини сабр экани кейинроқ маълум бўлди: махлук биз ўйлагандан анча ақилроқ чиқиб қолди. У энди кўчаларимизни баъ-

МАХЛУК



кўрмагандек орқасига қайтиб кетди. Қишлоқ ўз қобиғига ўраб қўйилди. Одамлар ичида яшайсану, лекин худди қимса-сиз оролга тушиб қолгандек ёлғизликка маҳкумсан. Биргина фарқи оила аъзоларинг ёнинда. Аммо бунинг ҳам ёмон томони бор: вақти келиб озиқ-овқатлар тугаб, очлик бошлангач, яқинларинг кўз олдинда хароб бўлаётганини кўргандан Робинзон Крузо тақдирини афзал биласан, киши.

Кунларимиз игнадан ип ўтгандек қийин кеча бошлади: очлик, тушқунлик, кўркув... Аммо бу кунлар махлук учун ҳам осон ўтмаётганди. Сабаби у ҳам одам эмаса, борган сари озиб, бўйи ҳам пасайиб борарвер экан. Бир неча кун ичида у шунчалик кичрайиб қолдики, девордан боши зўрға кўринарди. Махлук ва инсон сабри ўртасида кураш бошланди. Бир неча кун ичида ё униси, ё буниси қолиши аён бўлди. Қишлоқ ахли учун қаттиқ синон келганди. Ҳамқишлоқларимиз телефон орқали бўлса-да бирлашиб, балойи азиятга қарши

зан маликасифат қиз, баъзан хушбичим йигит бўлиб кеза бошлади. Энг синчковларимиз ҳам унинг одам боласидан фарқлай олмасди. Деворлар тағига бир-биридан тансиқ таомларни тўкиб қўйди. Махлук ақлли тадбир кўра бошлаган, баҳайбат гавда иш бермаслигини тушуниб, шундай йўлга ўтган эди. Яъни бизнинг нафсимизга хужум бошлади. Тушмагур махлук нозик жойимиздан тутди. Натига узоқ қутилмади. Баъзи ҳамқишлоқларимиз очликдан ўлгандан кўра девнинг жигилдонига ҳазм бўлишни афзал кўрдилар. Уларни ҳам тушунса бўларди, ахир ўлим муқаррар бўлганидан кейин нима фарқи бор қай тарзда ўлишни. Бундай қарорга келган одамларга махлук тўйиб-тўйиб овқатланишга имкон берарди. Сўнг эса худди ўзи семиртирган қўйни еб ётган қақдордек, уларни бемалол ейишга тушарди.

Айрим ҳамқишлоқларимиз хали егуликлари бўла туриб, ўз оёқлари билан тансиқ ўлимга

томон интила бошладилар. Зотан, махлук таклиф қилаётган таомлар анвойи, лаззатли эди. Ким бўлмасин, бир татиб кўрсам дерди. Дастлаб эркак зоти ни сулув киз қиёфасида жалб қилган махлук, энди хушбичим йигитга айланиб қизларни ҳам тўкин дастурхонига чорлай бошлади. Орзусидаги «йигит» томон шошилаётган қўшни кизни дарахт устидан махлукни кузатаётган пайтим кўриб қолдим. Унга қараб бор овозда бақирдим:

— Тўхта! Ҳой, Мухлиса, қаёққа кетяпсан? Жонингдан тўйдингми?!

— Бундай йигитни севмай бўладими, Ка-

лас, ғалаба жуда яқиндек туюларди менга...

Бир куни эрталаб кўчамиздаги шовқиндан уйғониб кетдим. Ташқарига мўраласам, омон қолганлар хурсандчиликдан бемажолгина рақсага тушипяпти. Улар мен ўйлагандан кўра хиёл кўпроқ ҳам эдилар. Аммо этлари устихонларига ёпишиб кетган, қадири букилиб қолган, ранглариди ранг қолмаган эди. Лекин охириги кучларини тўплаб хурсандчилик қилишарди. Аввалига кўзларимга ишонмадим. Туш кўрпанимни деб ўйладим. Лекин ҳеч уйғонмай демасдим. Кўчага чиқдим. Лекин уларга ўхшаб хурсанд бўлмадим, қайтага кўрқиб кетдим: ташқарида бирорта ҳам тиккайган кўкат қолмаган, уйларнинг ўзигина сўппайиб турарди. На ҳайвон, на дарахт, на курт-қумурска, на бирор қуш кўринарди атрофда. Фақат бизгина махлукдан омон қолгандик, ҳоло.

Аммо ҳаётимиз ҳамон таҳлика остида эди. Охириги кучимизни тўплаб, хувиллаган

— Тўхта! Ҳой, Мухлиса, қаёққа кетяпсан? Жонингдан тўйдингми?!
— Бундай йигитни севмай бўладими, Каримжон. Энди усиз яшолмайман!
Йўлимни тўсма!

римжон. Энди усиз яшолмайман! Йўлимни тўсма!

Мухлисанинг ота-онаси кўчага чопиб чиқишганда, «йигит» ўз асирасини алақачон еб улгурганди. Махлук уларни ноз-неъматлардан татишга ундади. Рози бўлишмаган, уларни ҳам қизларининг ортидан «кўнати».

Махлукнинг «ишлар»и шунчалик юришиб кетадикки, бутун бошли қишлоқда санокли одам қолди. Энг қайсар, сабри, иродали, махлукка нафрати кучли бўлган санокли одамлар...

Кимлар омон қолгани номаълум, аммо жуда камчилик бўлиб қолганимизни билардик. Чунки уйимизга ёндош ҳовлилардан деярли одам овози эшитилмас, чақирғимизга жавоблар бўлмасди. Очдан ўлсам-да, махлукни ўзим билан бирга олиб кетишга қарор қилдим. Афтидан, қолганларнинг бари менга ўхшаб қайсар шекилли махлукнинг қораси кўринмай қолди. Балки бу навбатдаги хийласидир ёки чиндан бизнинг сабримиз энгиб чиқдими, билмадим. Хуллас, бир неча кун ўтди, лекин уни кўчаларимизда кўрмадим. Барибир ишонгим келмасди: бу ерда бир гап бор, дердим ўзимга ўзим. Чунки қанча одамни ютиб, нафси қонмаган бу махлук шунчаки таслим бўлиши мумкин эмасди. Энди мен очликни ҳам ўлимни ҳам унутгандим. Ҳаёлим фақат махлукка нима бўлгани билан банд эди. У мени яқинларим, ҳамқишлоқларимдан айирди. Қишлоғимни хароб қилди. Энди унга ҳам, ўзимга ҳам шафқат йўқ. Уни ўзим билан олиб кетаман, вассалом! Хул-

улар, далаларни кезиб егулик кидирардик. Махлук қиёмати тугаб, очлик қиёмати келгану, бани Одам тарихи қайтадан ёзилиши керакдек. Тарих қайта ёзилишига бизнинг илвираб қолган жонларимизгина тўсиқ бўлиб турарди. Ҳаракатларимиз зое кетди. Ҳаётдан умидимизни уздик. Энди фақат ўлимни қутиш қолганди. Бироқ мен ҳамон махлукнинг бундай осон жон беришига ишона олмаётгандим...

Кўзларимизда маъно қолмади. Бир-биримизни деярли кўрмасдик. Идрок миямизни деярли тарк этган, фақат очлик ҳиссинга қолган, қорин ташвишигина бизни ўйлантира оларди. Шу онда ҳаёли жойида одам бизга қараса, ҳайвоний истакни иллаган бўларди. Биз бир-биримизга оч назар ташлар, ўзим ҳам кимнидир ғажишни, қорин тўйғизишни истар эдим.

Лекин унгача бормадик. Яқин атрофдан ўта хузурубаш мусика садолари эшитила бошлади. У шунчалик ёқимли эдики, очликни-да унутаёндик, танимизга қайта куч кирди. Қуй билан бирга турли таомларнинг ёқимли хиди димоғимизни қитикларди. Афтидан, қаердир базм бўлаётганди. Карнай, сурнай, ноғора, доира, гижжаку торларнинг садолари ҳалиги хидларга омухта бўлиб бизни ўзига оҳанрабодек торта бошлади. Худди ойпарастлардек қуй ва хидлар сари йўналдик.

Юра-юра бир ҳашаматли саройга бориб қолдик. Бунақасини умримда кўрмагандим. Қасрда базм авжига чиққан, раққоса қизлар дейсизми, турли хил ноз-неъматларми, →

Қишлоқдошларимиз ҳатто бир девор кўшнисиникига ҳам ўтолмай қолди. Бизникига девор оша ўтган ён кўшнимиз Қўлмат амакини махлук кўз олдимда чинқиртириб ютди. Мен ҳам тамом бўлдим деб ўйлаган эдим, лекин у бошқа ҳеч кимни кўрмагандек орқасига қайтиб кетди. Қишлоқ ўз қобиғига ўраб қўйилди.

←
машшоқ созандаларми, ҳаммаси муҳайё эди. Бизни бир қатта хонага тақлиф қилишди. Бу ерда узун қилиб дастурхон ёзилганди. Бу бошидан у боши кўринмасди. Дастурхоннинг очик жойи йўқ, хилма-хил егуликлару мевачевалар тўладириб ташланганди. Юмшоқкина кўрпачалар устидан жой олган одамлар овқатларни ютоқиб ейишарди. Шерикларим ҳам ҳеч ўйлаб ўтирмадан уларнинг ёнидан жой олиб, ўнг-терсларига қарамай қоринлари нағмасига ўйнай кетишди. Мен ҳам ўтирдим. Ниҳоят очлик барҳам топди, деб қувондим. Эл қатори дастурхонга қўл чўздим. Таомни энди оғзимга солаётган эдим, остонада ўтирган бир хушбичим йиғитга кўзим тушди. Чехрасида нимтабассум билан бизга термулиб турарди. Ногоҳон у билан кўзларимиз тўқнашди. Э Худо, унинг кўзлари... Кўзлари... оловланиб турарди. Кўлимдаги овқат тушиб кетди, тарашадек қотиб қолдим, миям жуда тез ишлай бошлади. Билардим, ҳаммаси шу тахлит жўнгина тугаши мумкин эмаслигини. Махлук шунча одамни семиртириб, емоқ учун боқиб ётарди. Бу ҳам етмагандек, уларнинг устидан қилиб ўтирарди. Нахот сезишмаяпти... Барибир бизни енголмайсан, ўлсак ҳам сенга бўйсунмаймиз, дея қичқирдим бор овозда. Лекин у жим эди. Менга ачингандек қарарди, холос. Кўлингдан ҳеч нарса келмайди, ҳаммаси таом, мен қолибман, сизларни тиз чўқтирдим, деган маънони уқиб олса бўларди нигоҳларидан..

Кўп ўтмай махлук асл кифофасига кирди. У энди пайдо бўлган пайтидагидан ҳам анча баҳайбат қўринарди. Одамлар эса ўз оёқлари билан унинг тубсиз ёрни эслатувчи оғзига қараб йўл олишганди. Кўзлари ҳам махлукникидек оловланиб кетган, худди унингсиз яшай олмайдигандек тоқатсизланиб, шоганча, бир-бирларига урилиб-сурилиб ёр оғзига интилишарди. Ҳа, кечагина махлукдан қочиб юрган одамлар эди улар.

«Ҳой биродарлар, қаёққа кетяпсиз, ном нишонсиз йўқ бўлиб кетасиз. Ахир шу эмасми бизни яқинларимиздан жудо қилган, шу эмасми, қанча азобларга солган! Ўз оёғингиз билан ўлимга боряпсизми», дея бақирдишга ҳаракат қилардим-у, овозим чикмас, бўғзимдан қандайдир хирқираш, калта йўтал чиқарди, холос. Шунчаки таслим бўла олмасдим. Аламимдан биттасининг белидан маҳкам кучоқлаб олдим. У аввалига ҳеч нарсани сезмади, кейин кўлимдан чиқиб кетип учун юлқина бошлади. Лекин мен кўлимни бўшатмадим, бундай қила олмасдим. Унга бор кучим билан чирмовикдек ёпишиб олгандим. Бикинимга тирсаги билан қаттиқ турта бошлади. Негадир оғриқни сезмай, китигим келарди. «Ўлдирсанг ҳам қўйвормайман тушундингми, қўйвормайман, йўууу!»

Кўзим очилиб кетди. Қаттиқ бақириб ётган эканман, чоғи, тепамда онам турарди. Кўринишлари ташвишли. «Ҳа болам, сенга нима бўлди, айтувдим-а, ярим кечагача



телевизор кўрма деб. Шу кетишинг бўлса, тентак бўлиб қолсан, кўзларингни нурига раҳминг келмайди?» — дея қуюнантилар онам шўрлик. «Чойинг совиб қолади, турақол тезроқ. Кейин бозорга ям бориб келишинг керак...»

Демак, буларнинг ҳаммаси тушим экан-да, нахотки шунча воқеаларни бир тушга сиғдириб бўлса, ахир қанча азобларни бошимдан ўтказдим. Нега ўшандай мушкул пайтларда уйғониб кетмадим, шунчакам бўладими?.. Ўйлаган сари бошим оғриб бошлади, нима бўлганда ҳам кўрган дахшатларим ўнгим эмас экан-ку, шунисига ҳам шўқур.

Бозор айланыпману, хаёлим парипон: ўша оловранг қорачиксиз кўзлар ҳамон хаёлимдан кетмайди. Лекин нима бўлганда ҳам у махлукдан қутилдим-ку, деб ўзимни овитган бўламан. Бу ерда биров билан бировнинг иши йўқ, ҳамма ўзи билан овера. Сотувчилар

иложи борица қимматроққа ситсам, дея умрида кўрмаган кишини тоғажон, аммажон, амакижон, акажонлаб ҳалак. Харидорлар эса арзонроқ олай дея сотувчини авраш билан банд. Бозор шовури билан тушим ҳам эсимдан чиқди-кетди. Олиб чиққан пулимни қандай қилиб сарфлаганимни билмай ҳам қолдим. Чунки табиатан бироз хавойироқман.

Энди кетмоқчи бўлиб турсам, тўсатдан ғала-говур бошланиб, ҳамма бир жойга қараб югуриб қолса бўладими! Мен ҳам нарсаларимни қўйиб ўша ерга шоганча чопдим. Атрофни одам ўраб олган, нима бўлаётганини кўриб бўлмас, аммо жуда қизик нарса, шеклли, бозорнинг бор одами шу ерда тўпланганди. Ёнимдаги амакидан сўраб билсам, иккита олибсотар ўзаро мижоз таллашиб, жиққамушт бўлаётган экан. Қулоғимга балинд овозда айтилаётган ҳақоратли сўзлар эшитила бошлади.

Улар бир-бирининг етти ағлодини ағлариб сўқар, оғзидан чиқмаган гап қолмаётганди. Маълум бўлишича, доимий мижози бўлган бир чолнинг ўзидан эмас, шеригидан савдо қилаётганини кўрган бир аёл ёнидаги бошқа аёл билан жанжаллашаётган экан. Жанжал тугай демас, қишлоқдошларим уларни ажратиш ўрнига томошага зўр беришарди. Худди шу пайт одамлар орасида яна ўша оловранг, қорачиксиз кўзларни кўргандек бўлдим. Унга биров эътибор бермас, у эса бундан хузурлангандек, одамларнинг олдига тушиб, турли масхараомуз ҳаракатлар қилар ва қотиб-қотиб қуларди...

Оёғимдан жоним чиқиб, ўтириб қолдим. Вужудимни титроқ босди. Тушимни ё ўнгим? Агар бу туш бўлса, кўрганам нима? Ўнгим бўлса-я?!!

Ойбек ҲАЙДАРОВ
2018 йил.

ОНАНГИЗГА ҚАЧОН СОВҒА БЕРДИНГИЗ?

Бир йигит олим кишининг хузурига келди. Олим жуда ҳам парҳезкор, ҳаёт синовларида чиниққан, олижаноб киши эди. Салом-алиқдан сўнг улар ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтди:

— Ҳазрат, мумкин бўлса, бир савол билан мурожаат қилмоқчиман?

— Бемалол, тортинманг.

— Оила қурганимга бир неча йил бўлди. Аёлим билан яхши яшапмиз. Оғир ишларни юкламайман. Имкон қадар унга ёрдам бераман. Баъзан идиш-товоқ, хоналарни тозалашга ҳам ёрдамлашаман. Муаммо шундаки, онам аввалгидек эмаслар. Ўзгариб қолганлар. Мени қизғоняшларми ёки аёлим кўнгилларини яхши ололмайптимики? Билолмай ҳайронман.

Аёлимнинг ҳар бир ишидан камчилик қидирадиган бўлиб қолганлар. Тўйимиздан бир-икки ой ўтиб шундай бўлиб қолдилар. Аёлим онамни жуда ҳам яхши кўради. Онам эса уни тергайвердилар. Эҳ, онамга бирор гап айтиб хафа қилиб қўймасам, дейман. Ҳазрат, шунга ўхшаш ҳолларда онамга ноҳақликларини тушунтирсам бўладими?

— Турмуш ўртоғингизга ёрдам беришингиз тахсинга лойиқ. Менда ҳам бир савол бор: Тўйдан аввал ҳам уйларни тозалардингиз?

— Тушунмадим, бунинг нима алоқаси бор? — бироз ажабланди йигит.

— Яъни айтмоқчиманки, аёлингизга

уй юмушларида ёрдам берганингиздек, онангизга ҳам овқат тайёрлаш, идиш-товоқ ювиш каби ишларда ёрдам берганимиз?

— Онам ўзлари бажарар эдилар.

— Тушунарли. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Кечагина хонадонингизга келган жуфтингизга ёрдам берибсиз-ку, умр бўйи саодатингиз учун хизмат қилган онангизга ёрдам бермабсиз?! Яна менам: «Онамга ноҳақлигини айтсам бўладими?» — деб сўрайсиз. Ким ҳақу, ким ноҳақ?

Қачон онангизга ўз кўлингиз билан таом тайёрлаб берганисиз? Қачон бошларидagi рўмолларини ювиб бердингиз? Қачондир онангизга гул совға қилганимиз? Узр, ука, қаттиқ гапирдим. Аёлингизга ёрдам беришингиз жуда яхши.

Бунга ҳеч ҳам эътирозим йўқ. Кўпчилик эркаклар қилолмайдингани ишни қилаёпсиз. Тасанно! Лекин онангизга нисбатан қилган ишингиз адолатсизлик. Онангизнинг қадрига етмайсизми?! Гарчи сиз учун хатодек туюлса ҳам, она тарафдан келган хатоларга кўз юмилади, сабр қилинади. Ахир, онангиз сизга сабр қилган-ку.



Кечаси йиғлаб уйғонганингизда неча марта уйқусидан кечиб сизга қараган?! Нега сизга: «Ноҳақ йиғлаясан!» — демаган?! Нима учун: «Бемаврид касал бўлдинг!» — демаган? Яна давом эттирайми?!

— Йўқ, Ҳазрат. Хатойимни тушундим. Етарли бўлди. Раҳмат сизга, яхши сабоқ бердингиз.

— Қадрдоним! Инсон икки нарсада афсусланади. Бири жаннат бўлса, иккинчиси онадан айрилиш. Жаннатга кирган ҳам, қирмаган ҳам афсусланади: Жаннатга киролмаган: «У дунёда нега амал қилмадим?! Ахир, жаннат

ҳақ экан-ку!» — деса, жаннатга кирган инсон: «Нега у дунёда кўпроқ амал қилмадим?!» — дейди.

Худди шунингдек, онаси вафот этгандан кейин бири: «Нима учун тирикликларидан хизматларини қилмади-а?!» — деса, бошқаси: «Нега ҳаётликларидан кўпроқ хизматларини қилмадим. Дийдорларига тўймабман-а!» — дейди. Онадек меҳрибон инсон йўқ. У сиздан дунёларни сўрамайди, унга бироз меҳр ва эътиборнинг ўзи кифоя!

Мухаммад Алихон
ШУКРУЛЛАЕВ



“ЭЛЛИКҚАЛЪАМАХСУССУВПУДРАТ” масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Мамлакатимиз аҳлини, шу жумладан,
далаларда мўл ҳосил етиштираётган
заҳматкаш бободехқонларимизни
истиқлолимиз шодиёнаси –
Ўзбекистон мустақиллигининг
йигирма тўққиз йиллиги билан
самимий қутлайди!

Юртимизда тинчлик-осойишталик,
фаровонлик, тўкинлик барқарор бўлаверсин.
Меҳнатларингиз баракасини
доимо кўриб юринг, азиз бободехқонлар!




Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

UZTELECOM

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни,
соҳа ходимлари ва биз билан ҳамкорлик қилувчи
меҳнат жамоаларини ватанимиз
мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик
қутлуг тўйи билан муборакбод этади!*

*Халқимизга мустаҳкам соғлик-саломатлик,
хонадонларга қут-барака,
тинчлик-тотувлик тилаймиз.
Осмонимиз ҳамиша мусаффо,
элимиз тинч-омон бўлсин!*



Байрам муборак, азиз ҳамюртлар!

Хизматлар лицензияланган.

«КЕГЕЙЛИМАХСУССУВПУДРАТ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Халқимизни энг улуг ва энг азиз байрам –
мустақилликнинг 29 йиллиги билан
самимий табриклайди!*

*Хонадонингизни осойишталик, дастурхонингизни
қут-барака, қалбингизни қувонч тарк этмасин!
Юртимиз ҳамиша тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!*

Истиқлол шодиёнаси муборак!

EMMM

«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини мамлакатимиз
суверенитети,
фаровон ва тинч ҳаётимиз
асоси бўлган
Мустақиллик байрами –
истиқлолимизнинг
29 йиллиги билан
муборакбод этади!*

*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
омад ва муваффақиятлар тилаймиз.
Осмонимиз мусаффо ва элимиз
ҳамиша бахтиёр бўлсин!*

*Юртимиз аҳлига мустақиллик
байрами қутлуз бўлсин!*

Хизматлар лицензияланган.



UZTELECOM

«Ўзбектелеком»

акциядорлик компанияси

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

29

Бунёдкор халқимизни яқинлашиб келаётган қутлуғ айём –

Мустақиллик байрами

билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол – халқимизнинг азалий орзуси,
ота-боболаримиз интилиб келган буюк туйғу!Бу айём шукуҳи ҳар бир хонадонга
шод-хуррамлик ва фаровонлик олиб кирсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган.

OILA
DAVRASIDA
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Mustahkam olib – yurt tayinchi

«Оила даврасида» газетаси
тахририяти» масъулияти
чекланган жамияти**МУАССИСЛАР:**Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Магбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**Бош мухаррир**Хуснидин
БЕРДИЕВ**Тахририят манзили:**
Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва сақифаланди.

Буюртма: 1-837
ISSN 2181-6190
Объём выдвеса — 193
Алали: 1 648 нуста.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табок.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга тошириқди: 02:00